

**Одилжон Салоҳиддинов**

**Соғлиқ учун заарли одатлар**



Андижон - 2019 йил

Муаллиф

Одилжон Садохиддинов

Андижон Давлат тиббиёт институтининг ички касалликлар  
пропедевтикаси кафедраси профессори, тиббиёт фанлари доктори

Ушбу рисолада заарли одатдар бўлмиш чекиш, ичкиликка ружу  
кўйиш, нос чекиш, гиёхвандлик, хасадгўйлик, дилозорлик, масхара ва  
гийбат қилиш, баднафслик каби заарли одатлар баён қилинган

Андижон, 2019й

## Сўзбоши

Мустакил давлатчилигимиз пойдеворини юксак маънавият асосида куришни мақсад қилиб олган Ўзбекистон хукумати истиқлоннинг илк йилларидаёқ маънавиятта катта эътибор қаратиб, уни давлат сиёсати даражасига кўтаргани бежиз эмас.

Маълумки, ҳакикий инсонда ҳаёти давомида одамийлик мезонлари бўлган меҳр-оқибат, бир-бирларига кераклиги ва елқадошлиги, бошига кулфат тушса, ҳамдардлик, самимият, муҳаббат хислатлари шаклланиб боради. Инсон деган яхши номга муносиб бўлиб юришининг сўзсиз маъсулият юки мавжуд. Шу номга муносиб ишлар билан эл-юрт ўртасида ҳурмат қозонишдан савоблироқ бирон нарса йўқ, бу дунёда.

Лекин дунёда инсонлар ҳар хил бўлади. Бирор элим, юртим деб ёниб яшайди, бошқаси кўпчилик рискини уйига ташиб кетади. Бирор инсонлар учун кўксини қалкон қиласа, бошқаси панадан макон топиб, эл-юрт гамида юрган инсонларнинг зэгу ишларини кўраолмай, ҳасад, иғво, бўхтон, масхаралаш ишлари билан машгул бўладилар.

Ушбу рисолада комил инсонлардан ёт бўлган чекиши, ичнилик ичиш, нос чекиши, гиёҳвандлик, ҳасадгўйлик, иғвогарлик, дангасалик, манманлик, масхаралаш каби заарли одатлар баён килинган.

Алломаларимиз айтишларича, одамзодга аслица минг йил умр берилган экан. Умр зови бўлмиш, юкоридаги каби шайғон васвасасига учраган одамларнинг жирканч одатларидан, одамзод зўрга 70-80 йил умр кўрадиган бўлиб колган экан. Агар уларнинг сони кўпяяверса, соғдил инсонлар умрини яна ҳам кискариши табиий хол бўлиб қолса керак.

Кимни ор-номусини оёқости қилиш, ҳасадгўйлик, дилозорлик, иғво, бўхтонга ҳаётнинг икир-чикири деб қарамаслик керак. Булар ҳаётимизни гўзал ва дилраболиги қадрига етмаслик, соғдил ва меҳрибон кишиларимизнинг ўта инсонийлиги ва олийжаноблигини кўра олмаслик, унга онгли равишда азоб-укубат ўқини отишдан бошка нарса эмас. Буларга қарши курашмогимиз лозим.

Муаллиф

### Тамаки заҳар,ундан қил ҳазар

Тамаки Америкадан келиб чиккан. Гарчи қадимги Хитой кўзаларида чекаётган одамлар расми тасвиirlанган бўлсада ,Колумб Американи кашф этгунча тамакини хеч ким билмаган.1492 йил адмирал Христофор Колумб бир оролга келиб тушади.Махаллий ахоли бу оролга «Гуанахани» деб ном беришган экан.Махаллий ахоли Христофор Колумбга совга- саломлар билан бирга «петум» деган ўсимликни куритилган баргларини ҳам олиб келади.Бу ердаги ахоли одатда куритилган баргларни найча килиб ўраб,чекар эканлар.Колумб саёхати давом этиб,Куба соҳилларига боради.У ердаги ахоли ҳам уни чекиладиган гиёхлар билан карши оладилар. Бу гиёхга улар «сигаро»деб ном беришган экан.

Колумбнинг образли ифодаси билан айтганганда, шу ахоли у гиёхларнинг тутунини «ичишаркан».Чекаётганда улар «сигаро»ни 3-4 марта ичига тортиб, тутунини бурнидан чикарарканлар.Шу оролда колган матрослар махаллий ахолидан чекишини ўрганганди биринчи европаликлар бўлган экан.

Христофор Колумбнинг иккинчи сафаридан кейин (1493-1496 й)тамаки уруғи Испанияга олиб келинган.Сўнгра улар кўшини Европа мамлакатларига таркалган.Тамакининг чекилмаса хумор киладиган хоссаси оғатни тез тарқалишига сабаб бўлган.Ўша вақтдаги ахоли тамаки таркибида нарса,уни турли касалникларга, инс-жинс ва бошқалардан даф етади, деб хисоблашар эканлар.Уни баргларини шифобаҳш модда, у кўпинча инсонни тетиклаштирилди ва тинчлантиради, деб ўйлашганлар.

Кейинчалик тамакига талаб шу кадар ортдики , Шимолий Американинг Вержиния ва Мериленд каби вилоятлари асосан тамаки етиштиришга ихтисослаштирила бошланди.

Шу тарика Америкадан келтирилган той-той тамаки маҳсулотлари ҳамма портларини тўлдириб юборди. XIX аср ўрталарига келиб, маҳсус фабрикаларда тайёрланадиган

папирослар кашф бўлади. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, сигара жуда кенг расм бўлди.

Савол тұғилади. Америка чекишининг бирдан-бир ватани бўлганми? Йўқ. Кадимги грек тарихчиси Геродот (эр.авв v аср) Скифлар турмушини тасвирилаган экан, улар кўпроқ тетик ва кучли бўлиб олиш учун ўсимликларни тутатиб, тутунини ичига тортишлари тўғрисида гапириб ўтади. Бу борада Хитой солномаларидаги ҳам гапириб ўтилган. Африка халклари ҳам маълум бир хил ўсимликларни тутатиб, тутунини ичга тортишган. Гречия ва кадимги Римда ҳар хил байрам ва маросимларда гиёхларни ёкиб, тутатиб кўйиларкан.

Америка индейсларини ҳам тамаки чекишига дин асос солган дейишади.

Машхур швед табиётшунос олими Карл Линней биринчи бўлиб тамаки экиб етиштирган. Франциянинг Португалиядаги элчиси Жан Нико шарафига тамакига «никотиана» деган ном беради. Кейинчалик тамаки қукуни бирор нарсада сакланиши керак бўлиб қолди. Шу боис заргарлар тамакидонини ихтиро килишди

Шу тарика XVIII аср охирига келиб, Испания, Португалия, Франция, Англия ва Голландияда чекиши расм бўлди. 30 йиллик уруш тугагач, чекиши Германия ва Швецияга ҳам тарқалди. Россияга тамакини инглиз савдогарлари 1585-йил Архангельск орқали олиб келишган. Кейинчалик тамаки Россия ерларидаги ҳам экила бошланган. Тамаки хеч қандай тўсиксиз ҳамма жойга етиб бормаган. Диний ва иқтисодий сабабларга кўра бир қанча мамлакатларда, масалан, Италияда тамаки «иблиснинг эрмаги» деб эълон қилинган. Рим папаси тамаки чекадиган ёки хиддайдиган кишиларни диндан қайтган деб, хисоблашни таклиф этган. Чекиб турганда кўлга тушган бешта роҳибни бошқаларга ибрат булсин деб, монастр девори орасига олиб, тириклийин суваб ташлаганлар. Англияда Елизавета I фармонига мувофик (1585-й) чекучиларни ўтрига тенгглаштирилган ва уларни бўйинларига арқон

боғлаб кўчаларда сазойи қилиб олиб юрганлар. Россияда Михаил Фёдорович подшолик қилган даврда чекишида биринчи маротаба кўлга тушганлар оёкларининг тагига 60 таёк уриш билан, иккинчи маротаба кўлга тушганлар бурун ёки қулоқларини кесиб ташлаш билан жазолашган эканлар. Чекиши туфайли 1634-йили Москвада жуда кўп жойларда ёнгин чиқсан экан. Шундан кейин чекишига ўлим жазоси белгилаб кўйилган. Михаил Фёдоровични ўғли Алексей Михайлович даврида 1649-йилда маҳсус «Фармонда кимдан худобезор гиёҳ топилган бўлса, шу гиёҳни каердан олганини аниқламагунча, у кийноққа солинган ва савалаб урилган» деб ёзилган экан. Тамаки билан савдо қилувчи хусусий савдогарларни савалашиб, олис шахарларга сургун қилиш буюрилган. Лекин бу курашларда тамаки ғолиб чиқсан. Тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган чинакам индустря яратилган.

У вақтда тамакини заарли хусусиятлари ўрганилмаган.

Тамаки билан савдо килиш авж олиб хазинага тушадиган даромад анча ортиб борди. Бу хол кўпгина хукуматларни тамакига бўлган муносабатини ўзгартиришга ва ундан даромад манбаи сифатида фойдаланишга мажбур этган.

Россияда Пётр II подшолик қилган даврдагина (1697-й) тамаки билан савдо килиш ва чекишига руҳсат этилган, чунки у Голландияга бориб келгандан сўнг ўзи кўп чекадиган кашандага айланган.

Тамаки ер юзаси бўйлаб тез ва кенг тарқала бориб, хозирги замон тарихида одамзод кўли билан яратилган энг машхур нарсаларнинг бири бўлиб қолди.

Тамаки бутун ер юзини эгаллади. У бир йиллик ўсимлик бўлиб, итузумсимонлар оиласига киради. Тамаки Американинг ўзида ва тинч океанидаги баъзи оролларда ёввойи холда ўсади. Хозирда тамакининг нави қирқдан ортиб кетган. Тамаки баргларида никотин, аммиак, азотли бирикмалар, азот кислота, олма ва лимон кислatalар, булардан ташқари, никотеллин, пиролидин

каби 20 га яқин моддалар бор. Баъзан тамакини папирос учун ишлашда хүшбүй хид берсин, деб унга қалампирмунчок(гвоздика) зафар(шафран) ва бошқа моддаларни чет мамлакатларда эса кўпинча афюон(опий) ҳам кўшадилар. Сигарет тайёрлаш учун ишлатиладиган тамаки япрокларини сиртдан чиройли кўринисин деб, уни баъзан бўйдилар.

Тамакини чўғлантириб тутунга айлантирилганда кимёвий ўзгаришлар рўй беради.Шу сабабли тамакининг таркибий қисми билан тамакининг тутуни орасида анча-мунча фарқ бор.Тамаки тутуни таркибида 4000 дан зиёд заҳарли моддалар мавжуд.

Тамаки тутуни таркибида никотин,аммиак, синил кислата,пиридин,мышьяқ,карбон II – оксид(ис гази)карбонат ангидрид,водород гази,сульфид,эфир мойлари каби хилма-хил зарарли моддалар мавжуд.

Хозирги даврда тамаки тутуни рак(саратон касаллиги) пайдо килувчи моддалардан иборат деб ҳисобланади.Тамаки чекилган пайтда захри котил ҳисобланувчи никотин бошчилигидаги барча заҳарли моддалар тутунга айланниб одам танасига киради ва организмни заҳарлайди.

Никотин тамаки баргининг ҳам,ундан хосил бўладиган тутунлари ҳам асосий заҳарли моддаси ҳисобланади. Никотиннинг микдори тамакининг турли навларида турлича бўлади. Никотин туссиз ёки сарғиш, тахир, ёкимсиз хидли, ёпишқоқ суюқлик бўлиб, таъми аччик бўлади. У сувда, эфирда ва алкоголда осон эрийди. Никотиннинг бир томчиси яни 50 мгми 20 кг оғирлиқдаги итни ўлдиришга етади. Морфин, кокаин сингари турлича таъсир киладиган наркотиклардан никотиннинг фарки шундаки, у асаб тизимининг ҳамма бўлимларига, марказий ва периферик асаб тизимиға ҳам таъсир килади. Никотиннинг кўпроқ қисми сийдик оркали, озгинагина қисми тер, сўлак ва ўпка оркали ташки мухитга чикиб кетади. Киши никотиндан қаттиқ заарланганда нафас

ололмай, хушидан кетади. Ҳатто бош миясидаги нафас маркази фалажланиб, ўлиши мумкин.

Умри бўйича чекмаган одамни таҳминан бир томчи никотин ўлдира олади, дейишади. Чунки овқат таркибидаги никотин кислотаси инсонга ҳаёт бағишиласа, тамаки таркибидаги никотин ўлим бағишлийди.

Тамакидан чиқадиган ис гази яъни карбон II оксид гази тамаки тутунида ҳам 8 фоизга яқин миқдорда учрайди. Бу газ шу кадар заҳарлики, агар уни 0,2 фоизи ҳавога аралашса, киши хушидан кетади.

Тамаки тутунидаги ис гази ўпка пуфакчалари (алвеолалар) орқали, қонга ўтиб, кизил қон таначалари таркибидаги гемоглобин билан қўшилади ва карбоксигемоглобинга айланади. Гемоглобин ис гази билан кислород билан қўшилишига қараганда 300 мартаға яқин тезроқ қўшилади. Карбоксигемоглобинда ҳам кислород тўйиниши хусусияти бўлсада, у тўқималарга кислород берабер, ундан карбонат ангидрид газини олиш хусусиятидан маҳрумдир.

Тажрибалар, чекилган бир дона сигаретдаги никотин сийдикда анчагина миқдорда 8 соатгача учраб туришини кўрсатади. Чекиш вактида курук ҳайдалиш жараёни боради. Бунда тамаки тортилган вактида ҳаво юкори температурагача қизиб, унинг таркибидаги ҳар ҳил моддаларни чикариб олади, бу моддалар тутун билан ўпкага боради. Ҳамда шунда аммиак, углерод II оксид(ис гази), ҳавфли ўмалар ҳосил бўлишига олиб келадиган канцероген углеводородлар ( лотинча “канцлер”- қисқичбака, яшил рак деган сўздан олинган) кўп ажралади. Тамаки тутуни таркибида полоний радиоактив элементи борлиги ҳам исботланган. Полоний альфа нурлар сочиб, теридан осон ўтади, тезда аэрозол ҳолатга ўтиб ҳавони заҳарлайди. Тамаки маҳсулотлар таркибидаги полонийнинг 50 фоизи чекиш жараённида тутунга ўтади. Тамаки тутуни таркибидаги заарли моддалар миқдори унинг табиатига, унга ишлов бериш усуllibari( сўлитиш, куритиш, ферментлаш ва х.к.)га,

тайёр маҳсулотларида эса уларнинг сорти намлигига ва ҳатто чекиши тезлигига боғлиқ бўлади.

Фармакологлар майлумотига кўра, таркибида ҳаммаси бўлиб 20- грамм тамаки бўлган ўрта кучли бир пачка сигарета чекилганда 0,0012 грамм цианид кислота, таҳминан шунча водород хлорид, 0,22 грамм пиридин асослари, 0,18 грамм никотин, 0,64 грамм амиак, 0,22 грамм углерод II оксид ва камидга 1 грамм тамаки куруми янги тамакининг ёниши ва куруқ ҳайдалишидан юзага келадиган суюқ ва қаттиқ маҳсулотлар концентрати ҳосил бўлади. Тамаки куруми таркибида 100 га яқин кимёвий моддалар, жумладан бензипрен, бензатрацен, калийнин радиоактив изотопи, мишъяқ ва бир қанча полициклик ароматик углеводородлар канцерогенлар бўлади.

Баъзи кашандалар сигаретадаги фильтр тутунни заррачалардан тозалаб, заарсиз ҳолатта келтиради, деб ўйлашадилар. Афсуски, бундай эмас. Таклиф этилаётган фильтрлар ҳозирда кўнгилдагидек натижга бераётгани йўқ, улар тутун таркибидаги моддаларни 20 фоизигина ушлаб қолади. Демак, чекиши жараёнида тамаки куруқ ҳайдалганда таркибидаги моддаларнинг кўп қисми ўпкага бораркан. Улар шиллиқ пардалардан қонга сўрилиб, бутун организмга тарқалади. Шу ўринда никотиннинг организмга таъсирига бир эътиборни қаратайлик.

### Никотиннинг организмга таъсири

Тамакининг асосий таъсир этувчи моддаси никотин эксантигини айтиб ўтдик.

Бу алкалоидни 1828-йилда Посельт ва Рейман деган олимлар биринчи марта тоза холда ажратиб олишган. Тамаки баргларида 1 фоиздан 1,5 фоизгacha никотин бўлади, лекин бальзи ҳолларда уни миқдори 6-8 фоизгacha етади. Масалан 1 грамм келадиган битта

сигаретада одатда 10-15 мг , 10 грамм келадиганида эса 150 мг гача никотин бўлади.

Сигарета филътрида сичонни нобуд қиладиган микдорда никотин тўпланиши маълум. Умуман олганда цианид кислота қай даражада заарли бўлса никотин ҳам худди шундай заарлидир. Шу сабабдан ҳам чекишга ўрганмаган одам кўп сигарета чекиб юборса, кучли заҳарланиш ва баъзан ўлиши ҳам мумкин.

Никотин асосан асаб тизимиға, овқат ҳазм қилишга, шунингдек, нафас ва юрак томир тизимиға таъсири қиладиган кучли заҳардир.

Никотин таъсири этиши бир неча марта такрорлангандан сўнг, мускуллар тортишиб, титрайдиган бўлиб қолади. Қаранг никотинга ўрганиб қолиш мумкин экан. Никотиннинг турли организмга таъсирини мунтазам ўрганиш унга жавобан юзага келадиган реакцияларни икки фазали бўлишини исботлаган: аввал жуда турли туман тизим ва аъзоларнинг таъсиранувчанлиги ва қўзғалувчанлиги кучаяди, кейин эса бу ҳолатлар сусаяди.

Чекадиган шаҳслар чекиш жараёнида шу тафовутни сезишган. Масалан, ҷарчатадиган ишда одам факат психологик жиҳатдан тетиклаштириб олиш учун “чекиш” деб, тез-тез танаффус қилишган.

Чекиш одамни тинчлантириши мумкин, деб ўйлайдиганлар никотиннинг тинчлантирувчи таъсиридан фойдаланишга ҳаракат килишади. Одам бунда чекишдан мадад излайди.

Савол туғилади: нима сабабдан мудом сигарет чекиш жараёнида одам жуда катта дозадаги никотинга бардош беради? Биринчидан, шунинг учунки, алоҳида олинган ҳар бир сигаретадаги никотин дозаси ўлдирадиган дозадан анча кичик бўлади ва одам бир неча сигаретни устма уст чекканидан кейингина унда ўлимга олиб борадиган шок ҳолати бошланиши мумкин.

Иккинчидан, одам никотин захарига тез ўрганиб қолади. Бундан ташкари, никотин сийдик орқали организмдан тез-тез чикариб турилади. Бир вактлар қуйидагича тажриба қилинган. Чекадиган одам баданига бир нечта зулук кўйилган, сийдиги эса сичқонларга ичирилган. Эрталаб бу одам ҳам чекмаган пайтда ҳайвонларга ҳам хеч нарса бўлмаган.

Бироқ у биринчи сигаретани чекиб бўлган захоти зулуклар тиришиб, тушиб кетган, сийдигини ичган сичқонлар эса кучли қўзғалиш ҳолатига тушиб қолган. Демак, ҳатто битта сигарета ҳам турли организм учун безарар эмас экан.

Никотиннинг нобуд қиладиган дозаси одам учун тана вазнининг 1 килограммига 1 мг ни, ўсмиirlар учун таҳминан 50-70 мг ни ташкил этиши хисоблаб чикилган. Лекин бунда ўсаётган организм катта ёшдаги одамга қараганда никотинга таҳминан 2 баробар сезгир бўлар экан. Модомики шундай экан, ўсмир ярим пачка сигаретни бир йўла чекишда ўлиши мумкин, чунки бутун бир пачка сигаретада катта ёшли битта одамни ўлдирадиган микдорда никотин бўлади.

### **Никотиндан захарланиш қандай намоён бўлади?**



Бунда сўлак оқиши, кўнгил айниши, бадан терисини оқариб кетиши, одам бўшашиб, боши айланishi, мудроқ босиши шулар жумласидандир. Бунга қўшимча килиб, қўркув хисси, бош оғриши пайдо бўлиши, қулоқнинг шангиллаши, томир уришини тезлашиши каби белгиларни таъкидлаш лозим. Улфатчиликда “бахс бойлашиб”, “ким ошарга” сигарета чекиб ўлганлар бир неча бор рўйҳатта олинган.

Бунда гап, аввало, тананинг вегетатив асаб тизимига таъсири тўғрисида боради, чунки никотин мейридан ошириб истеъмол қилинган пайтда бўладиган белгиларнинг кўпчилига худди шу тизимнинг ўзгаришига боғлиқ.

Маълумки, вегетатив асаб тизими организмнинг ихтиёридан ташқари вазифаларни масалан, юрак, меъда-ичак фаолиятини идора этиб туради.

Вегетатив асаб тизими симпатик ва парасимпатик бўлимлардан ташкил топган бўлиб, улар кўп жиҳатдан гўё антогонистлардир, яни бир бирига қарама- қарши ишлайди. Кўпинча, симпатик асабнинг қўзғалиши юрак қисқаришларини тезлаштируса парасимпатик асаб қисмининг таъсиrlантириши бунга тескари натижা беради. Асаб стволлари йўли бўйлаб чиқадиган симпатик ва парасимпатик тармокларнинг тугунлари асаб ганглийлари деб аталадиган жойлари бўлади, улар оркали асаб импульслари, таъсиrlари ҳар томонга ўтказилади. Ганглий олдидан нейрон ўсимтасидан алоҳида модда-медиатор(воситаси) ишланиб чиқилади. Асаб занжирининг бошқа қисмларида ана шу моддалар қабул қилиб туради.

Вегетатив асаб тизимининг турли қисмларида ҳар ҳил медиаторлар бўлади, баъзи жойларда ацетил холин, бошқа жойларда адреналин ишланиб чиқилади.

Никотин худди шу тугун соҳасига заарли таъсир этиши, шу билан бирга кичик дозаларда у асаб импульсларининг ўтишини

енгилләтиши, катта дозаларда эса сусайтириб қўйниши, тормозлаши маълум бўлди. Никотин асабдан мускулга импульс ўтишига хам таъсир этиши маълум бўлди.

### Чекиши туфайли...

Жаҳон соғликни саклаш ташкилоти маълумотларига қараганда, чекувчилар орасида ўлим чекмовчиларга қараганда 30-80 фоиз кўпроқ учраши, шу билан бирга, энг катта тафовут 45-54 ёшга, яъни энг кимматли бўладиган даврга тўтри келар экан. Кашибандалик туфайли ҳар йили жаҳонда деярли етти миллион киши ҳаётдан бевақт кўз юмаркан. Тўлик чекилган битта сигарета одам умрини 15 дақиқага қисқартиаркан.

Америка олимларининг кўрсатишича, кунига 10 тадан 20 тагача сигарета чекадиган одамлар гурухидаги ўлим коэффициенти чекмайдиган одамлар гурухига қараганда 70 фоиз юқори бўларкан.

Кунига 40 та ва ундан кўп чекадиган одамлар учун бу кўрсаткич 120 фоиздан ортиқ бўларкан. Мана шу “ортиқча”нинг  $\frac{1}{2}$  кисми юрак етишмовчилигига,  $\frac{1}{6}$  кисми ўпка ракига боғлиқ экан. Чекиши томирлар деворига охак ўтириб қолишига сабаб бўлади ва миокард инфаркти, инсульт, юрак мускули ва мия артериялари касалликлари ҳавотир оширувчи асосий омиллардан бири бўлиб келади.

### Тамакининг нафас аъзоларига таъсири.

© ЧЕКМАЙДИ



ЧЕКАДИ ©



Чекадиган шахсларда сурункали бронхит, ўпка эмфиземаси кўп учрайди. Мана шу касалликлар ҳар йили неча ўн минглаб одамнинг умрига завол бўлади ва бундан ҳам кўпроқ одамни ногирон қилиб қўяди. Чекадиганлар орасида хроник бронхит, ўпка эмфиземасидаги ўлим ҳоллари чекмайдиганларга қараганда 5 баробар кўп учрайди. Чекувчилар билан чекмовчиларнинг ўпкаси бир биридан фарқ қиласи. Чекмовчиларнинг ўпкаси ям-яшил ўтлоқни эслатса, чекувчиларнинг ўпкаси чангальзорни эслатади. Чунки чекувчиларда нафас йўлларининг шиллик қаватлари узок вақт қўзгалиб туриши натижасида кўп шиллик ажралади. Нафас йўлларида чиқиб турадиган бу шилликларга куруқ ва тамаки тутунлари чирикларининг ёпишиб қолиши туфайли нафас йўллари димланганга ўхшаб қолади. Нафас йўлларидаги шиллик парда қаватлари кўп сонли киппричалар билан қотланган. Улар ҳамма вақт ташки томонга қараб, тўлқинсимон харакат қилиб, қимирлаб туради. Мазкур киппричалар, шиллик пардалар ташки мухитдан ҳаво билан аралашиб киравчи чангларни, микробларни ва газларни ушлаб қолади, ҳатто балғам билан ташқарига чиқарив юборади.

Шу киппричаларни тамаки ўз чириклари, тутунлари, қоракуялари билан қўзғатиб уни мёрида ишлашини бузади ва ишдан чиқариб қўяди. Тамаки тутунлари хиқилдоқдан ўтишида товуш найчаларини қўзгатади. Тутун таъсирида овоз бойламларининг эластиклиги камаяди. Томоқ қирилганга ўхшаб туюлади. Овоз тиниклиги, майинлиги йўқолиб дўриллаб чиқади. Нафас йўлларининг яллигланиши туфайли йўтал пайдо бўлади. Яна чекиши бронхиал астманинг тугилишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Тамаки тутуни таркибидаги смолосимон моддалар рак ўсмасини вужудга келишига сабаб бўлади. Тамаки тутуни таркибидаги пирен, антрацен каби моддаларнинг ҳам рак касаллигининг келтириб чиқарадиганлардан эканлиги айтилган.

Айтишларича ҳайвонлар терисига тамаки кулини мунтазам суртиб турилса, уларнинг 95 фоизида тез орада рак ўсмалари пайдо бўлиши аниқланган. Бунда тамаки кулини таркибда бўлган


полонийни борлиги ҳам ракга сабаб бўлиши мумкин дейишади. Чиндан ҳам тамаки истеъмол қилиш билан ўпкараки ўртасида яққол боғланиш бор.

Чекувчиларда ўпкани аутопсияда текшируvida уни хира тортиб, кулранг тусга кириши, баъзи жойлари эса гўё усти куйиб колгандек ҳол-ҳол кўмирга тушиб турган бўлади. Шу ўпкани кесиб кўрлганда пичок ҳудди тошга теккандек жуда ғичирлайди, чунки ўпка ва бронхлар склерозланиб қолган бўлади, агар ўпкани шу тўқимасидан озгина кесиб олиб, ундан экстракт тайёрлаб, уни куёнларнинг қулогига ишқаланса, улар терисида ракка ўхшаш ўзгаришлар-папилломалар пайдо бўлади.

### **Тамакининг юрак қон томирларига таъсири**

Хозирда юрак қон томир касалликлари энг кўп тарқалган касалликлар қаторида туради. Бу касалликларни кўпайиб ботишининг сабаблари ҳар ҳил, лекин энг муҳим омиллардан бири чекищдир, шунинг учун чекиши ҳатарли омил ҳисобланади. Агар инсон чекадиган бўлса унда юрак, қон-томир касалликлари(гипертония, стенокардия, миокард инфаркти, инсульт) билан касалланиши ва ўлиш ҳавфи кўпроқ бўлади. Никотин таъсирининг биринчи фазасида томирларни ҳаракатлантирувчи марказ билан нафас марказини кўзгатади. Иккинчи фазасида эса аксинча, буларни сусайтириб кўяди. Папирос биринчи марта ичга тортилганда, пульс секинлашади, кейин эса юрак тезроқ ура бошлайди. Шу билан бирга артериал қон босими ортади. Бу периферик қон томирларини торайишига боғлик бўлади. Шу билан бирга, сигаретадаги углерод ИИ оксиди кондаги ҳолестерин миқдорини ошириб, атеросклерозга олиб келади. Чекувчиларда миокарт инфарктини бўлиш эҳтимоли, чекмайдиганларга караганда 2 баробар кўп бўлади. Яна тамаки қон томирларда, жумладан оёқ томирларида касаллик бошланишига олиб келиши мумкин.

Облитерацияловчи эндоартрит оёқ күл томирлари касаллигидир. Уни пайдо бўлишида никотин ҳал қилувчи рўл ўйнайди, бундай касалликни ҳалқимиз “кашандада оёғи” деган ибора билан атаган. Касалликнинг моҳияти- артериялар торайиб, йўли беркилиб кетади ( облитерация) , тўқималар озиқланишининг бузилиши ва уларни ириб кетиши(гангрена)дан иборат.



Касаллик энди бошланиб келаётган даврида оёклар мунжикниб туриши, териси оқариб, бармоқлари уюшиб қолгандек бўлиб сезилиши сингари ноаниқ белгилар пайдо бўлади. Кейин оксигеник бошланади.

Демак, натижаси(прогноз) яхши бўлмаган бу касалликни сабабчиси ҳам никотиндир.

### **Тамакининг ошқозон-ичак тизимиға таъсири**

Тамакига ўрганиб қолган одам учун сигарета чекиши чанқокни босиш ва овқатланиши билан тенг. Ашаддий кашанда овқатланғандан кейин чекмаса овқатланиши маромига етмагандек бўлиб кўринади.

Сигарета чекилғандан кейин ҳар сафар меъдада гастритга ҳос касаллик белгилари пайдо бўлади, меъда харакати сусаяди, доза маъум бир микдорга етганида, кескин кучаяди, меъда шираси кам чикади, натижада иштаха йўқолади.

Никотин таъсирида ошқозон деворини мускул катлами тиришиб, кискаради, натижада, меъдада овқат туриб қолади, коринда огрик пайдо бўлади, кўнгил айнийди, шиллик пардада озикланиши бузилиши туфайли яралар пайдо бўлади, уларни битиши кийинлашади. Чекувчиларда меъда ва 12 бармок ичак яраси чекмайдиганларга нисбатан 2-3 баробар кўп учрайди. Бу касалликлардаги ўлим чекмайдиганлардагига нисбатан 4 баробар ортиқ бўлади. Яна огриқсиз ўсма пайдо бўлиши мумкин. Яна жигар циррози ва ўт йўллари дискинезияси ҳам учрайди.

### **Тамакининг мияга таъсири**

Тутун билан ичкарига кирадиган никотин таъсирида мия томирлари тезрок ишдан чиқиб, тораяди. Бунинг натижасида қоннинг мияга бориши камаяди натижада инсон хотираси, меҳнат ва изодкорлик кобилияти пасаяди. Чекиши таъсирида тутқаноқ кучаяди.

### **Чекишининг бошқа ички аъзоларга таъсири**

Тамаки чекиши туфайли онанинг сути камаяди, сутни бемаза ва тахир килади. Бунинг натижасида бола эмишдан юз ўгиради.

Қандли диабет касаллигига йўлиқкан кишилар учун чекиши зарарли. Никотин қон томирларини торайтиргани учун диабетик ангиопатияни кучайтиради.

Жинсий аъзолар заарланади, чунки никотин таъсиридан орқа миянинг жинсий аъзо ишини идора этиб турувчи марказнинг заарланиши кузатилади.

Никотин таъсирида буйрак усти бези кўп миқдорда катехоламинларни ишлаб чиқаради ва улар қон томирларини торайтиради.

### **Тамакининг кўз ва қулоққа таъсири**

Чекувчиларда кўзнинг кўриш, тусларни ажратиш қуввати ва қулоқни эшитиш қуввати чекмовчиларга нисбатан тубан бўлади.

Тамаки тутунлари ичидаги ис гази кўзнинг тўр пардалари қаватининг асаб хужайраларига ёмон таъсир қилади. Яна тамаки тутунидаги никотин ичга кириб, қон орқали кўзгача бориб етади ва кўзнинг ички нозик қисмларини ҳам заарлайди. Кўп чекиш натижасида кўзнинг ҳиралашиб қолишидан ташкари, ҳатто қизил тус билан яшил тусни ажратолмайдиган бўлиб қолади.

Тамакининг қулоққа таъсири ҳакида гапирганда шуни айтиш керакки, никотинни товушни эшитувчи, қабул қилувчи евстахив найларини заҳарлайди. Бунинг натижасида товуш секин эшитиладиган, ҳатто эшитилмайдиган гаранг бўлиб қолади. Бундан ташкари никотин эшитув нервига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Чекиш туфайли гаранг, кўр бўлиб қолишилар кузатилди. Чекиши ташлаганларидан сўнг гаранглик камаяди ва товушни анча-мунча эшитадиган бўлиб колади, айримлари согайиб ҳам кетадилар.

### **Чекиш ва насл**

Никотинни жинсий безларга таъсири аниқланган. Агар эркак куён организмига никотин юборилса, мояклари кичрайиб қолади, сперматазоидларида ўзгариш рўй беради. Жинсий тифлининг 10% да сабабчи чекиш бўлади. Никотин билан заҳарланиши тўхтатилса, жинсий функция аслига келади.

### Чекувчи аёллар ва эмизикли болаларни никотин оркали захарланиши

Ургочи дengiz чўчкалари билан кўёнларга никотин таъсир килдирилганда ,уларда болаларни ташлаш ҳодисаси содир бўлган.Бордию,хомиладор аёл чекар бўлса,у эрта карииди. Эмизикли аёл чекканда чаколокни касалланиши табий ҳолдир.Чунки никотин йўлдошдан қон ўтишини камайтиради,натижада ўсаётган организм тўкималарига кислород кам келади.Чекадиган аёлларда бола ташлаш ва болани ўлик тутилиш холлари чекмайдиганларга нисбатан 2-3 баробар кўп учрайди.Кунига бир пачкадан чекадиган аёллар чакалоқларини вазни кам бўлади.Чекувчи аёлларда ҳомиладорлик токсикозлари,чала туғилиш, ўлик бола туғиш, тутма нуксонлар билан туғилиш учрайди.Чакалоқларни аксарияти бир ёшга етмай нобуд бўлади.Чекадиган аёлларнинг ҳар 100 тасидан 85 тасида тугруқдан кейин асорат рўй беради.Чекадиган кизларнинг овози бўғилиб чикади.Тишлиари қорайиб, ишдан чикади,сурункали йўтал пайдо бўлади, нозик тери захил торгади,гапирганда оғиздан туфук сачраб туради.Кизлар чекишни эрта бошласа, тамаки тутуннинг захари улар хаётига шунчалик тез ҳавф солади.

### Тамакининг ёш организмга таъсири

Чекувчи болалар дарсни ёмон ўзлаштиради. Шу боис , боланинг лабидан бир дона сигаретани тортиб олиб, мажаклаб ташлаш, уни танасидан бир дона тиканни олиб ташлашдан кўра фойдалироқ хисобланади . Тамаки ёшларнинг оғирлиги ошишига, бўй ва кўкрагини ўсишига, ўпкасининг катталашувига катта тўскинилик қилади.

Америкада мактабларидан бирида ўтказилган текшириш якунида чекувчи болаларда бўйнинг ўсиши 20 фоиз, гавдасининг оғирлиги 25 фоиз, кўкрак қафасининг сигими эса 66 фоиз оркада колишини яъни, улардаги ўсиш чекмовчи болаларга нисбатан анча секинлашганлиги кўринган.

Чекадиган бола тез уйғонади ва дикқатини бир жойда түплай олмайдиган, тажанг, хотираси ва зеҳни паст бўлиши туфайли дарсларни яхши ўзлаштиромайди. Чекиши спорт билан шуғулланишга салбий таъсир кўрсатади. Югуриш мусобакаси вақтида чекувчи спортчилар юрагининг уриши чекмовчи спортчилар юраги уришига қараганда жуда ошиб кетади. Кон босими анча кўтарилиди. Мусобака тугагач эса, аста-секинлик билан асл ҳолатига қайгади. Тамаки реациялар тезлиги ва аниқлигига салбий таъсир қиласи.

Чунончи, машҳур бир гроссмейстер 15 та шахмат таҳтасида бирйула ўйин сеансини ўтказган. У 10 та партияда тезгина ютиб, 5 тасида дурранг килган. Келаси шу сафар шахмати бир пачка сигарета чекиб, худди аввалги ракиблари билан шахмат суриб, атиги 6 та партияда ютган, 8 тасида дурранг килган ва иккитасида ютқазган. Шахмат бўйича неча-неча марталаб жаҳон чемпиони бўлган А.А.Алёхин шундай ёзади: “Никотин одамни хотирасини пасайтириб, шахмат устаси учун ниҳоятта зарар бўлган иродада кучи, қобилиятини пасайтиради. Ўзим тамакига ишқибозлиги баҳридан ўтканимдан кейингина, жаҳон биринчилиги учун ўтказиладиган мусобакада ютиб чиқишимга ишонгандман”.

Агар уйда эркак чекса, унинг тутунида оиласи, фарзандлари ҳам нафас олади. Уларни пассив чекувчилар деб аталади. Демак, чекувчи нафақат ўзини, балки атрофдагиларни ҳам заарлайди.

Тамаки факат одам саломатлигини эмас, шу билан бирга уйлар, мухташам биноларнинг, завод-фабрикаларнинг, пахта ҳирмонлари ва шуларга ўхшашларининг ҳам ашаддий душманидир. Айниқса ёш боланинг ўта кашанда ва масти одамни қўлидаги гутурт билан папирос жуда қўркинчилидир. Бунда бўлиб ўтган қўйидаги воқеани эслаб ўтиш лозим.

Бир қишлоқ клубига кўчма кино келади. Клубга 200 та киши тўпланади. Бир вақт бир масти одам чекиб ташлаган папирос колдиги ўша ерда ёнгин чакиради. Ёнгин киноплёнкага тушади-ю у

ёниб, бутун бинога ўт кетади. Бино алангага ем бўлиб, деворларни кулатади, шифрларни ағдаради, 112 киши куйиб, ёниб ўлади. 17 киши оғир ҳолда куяди. Ана чекишнинг фойдаси.

#### Чекишни ташлаш учун кураш



---

Чекишга қарши кураш олиб боришни зарурлиги нафакат бизнинг мамлакатимизда, балки чет элларда хам долзарб масала бўлиб турибди.

Жаҳон соғликни сақлаш ташкилотининг чекиш ва уни саломатликка таъсирини ўрганиш бўйича эксперталар қўмитаси бу ярамас одатта қарши қўйидаги 4 та асосий тадбирни ишлаб чиқди ва тавсия этди.

- Ёшларни чекмасликка даъват этиш;
- Катталарни чекишни ташлашга даъват этиш;
- Зарари камроқ сигаретани ишлаб чиқишга ўтиш;

- Чекишининг заарли усууларини топиш;

Жаҳон соғликни саклаш эксперталари кўмитаси согликни саклаш ҳодимларининг ўзлари чекишини ташлаб, айниқса ёшлар ва болаларга ўрнак кўрсатишлари, шунингдек ўз беморлари ва уларнинг яқин кишиларини чекишини ташлашга даъват этишлари шарт, ёшларни чекмасликка даъват этишлари лозим, чекишига қарши кураш ахолига тиббий санитар хизмат кўрсатишнинг муҳим кисми эканини ҳамма эсда тутиши, шунингдек санитария-маориф шуларни фаол олиб бориши керак, деб хисоблайди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 2,8 миллион нафардан озрок доимий чекувчи бўлиб улардан ярмидан кўпроги каттиқ ҳавф остида колган.

Шу боис 2018 йил май ойида Тошкент шаҳри согликни саклаш ташкилотининг юртимиздаги ваколатхонаси. Ўзбекистон республикаси Согликни саклаш вазирлиги билан ҳамкорликда тадбир ўтказди. Бунда тамакига қарши курашишнинг “йўл ҳаракати” ишлаб чиқиши масаласи кўрилди.

Бу тадбирларни мувафақиятли амалга ошириш учун энг аввало шифокорлар узлуксиз инсон саломатлигига таъсири тўғрисидаги маъумотларни жуда пухта билишлари шарт. Бунда талаба-ёшлар дикқатини чекишининг заарлиги, чунончи жисмоний ва аклий фаолиятига ёмон таъсир қилиши мумкинлигига, чекишининг киши ташки қиёфасига таъсир кўрсатишига, тиш ва бармоқларнинг саломатлигига, нафас олиш аъзоларини заарланишига ва балғам ажратишига, оғиздан қўланса хид келишига ва ҳоказоларга курашиш зарур.

Талаба кизлар ўртасида чекишини аёл организмига ҳалокатли таъсир қилишига дикқатни жалб этишлари зарур.

Талаба ёшлар онгига олий маъумот билан чекиш бир бирига зид эканлигини чукур синдириш керак. Чекишини олдини олиш бўйича ишларни Здастурга ажратиш мумкин.

- Никотинга қарши фаол ташвиқот;
- Чекиши ташлашни ҳохлаганларга яқындан ёрдам бериш;
- Чекиши ташлашни ҳохлайди, бирок маъум сабабларга кўра ташлай олмайдиганларни даволаши;

Талабалар ўртасида чекишига қарши тарғибот ишларини олиб бориш учун институтда, факультет ва курсларда, талаба ётоқҳоналарида ташкил этиладиган тадбирларда марузалар, сухбатлар ўтказиш дискотекалардан кенг фойдаланиш мумкин. Яна институтнинг кўп тармоқли газетасида чекиши тўғрисида, унинг зарари тўғрисида маълумотлар бериш лозим.

Савол туғилди, чекиши ташлаш мумкинми? Шак-шубҳасиз мумкин. Кашандалар чекиши ҳеч қандай врач ёрдамисиз ташлашлари мумкин. Чекиши ташлаш учун аввало ҳохиши зарур. Одатта чекиши 2 йўл билан: бирданига ёки аста аста секинлик билан ташлаш мумкин. Лекин буларни биринчиси афзалроқдир. Буни бажараман деган инсин иродали бўлиши керак. Чекмай кўйган дастлабки ҳафталар албатта машаккатли бўлади, шунинг учун ташлашни бошлаётганда вактни ҳам хисобга олиш зарур. Масалан, бу иллатдан кутилиш учун тугилган кунлар, байрамлар, тўй-маросимлар кунларини танламаслик керак. Чекиши 5 кун ичida ташлашга харакат қилиш мумкин.

#### Буни қўйидагича қилинади:

Биринчи куни эрталаб туриб, 1 стакан сув ичинг, душда чўмилинг, нонуштага ҳўл мева, мева шарбатларидан истеъмол қилинг. Нонуштадан сўнг бир неча марта нафас машқларини бажаринг. Чекиши хумор килгандан, 2-3 стакан сув ичилса ва нафас машқлари килинса, истак кондирилади. Кашандаларга қўшилмаслик керак. Тушликда ачик-чучук, суюқ ош, сабзавот, гўшт, шарбатлар тавсия этилади. Бекор ўтириш, телевизор ёнида узок ўтириш, овлок жойда ёлгиз қолиш керак эмас, чунки бу ҳолатда ичкилик ичиш ва чекишига истак туғилади.

Иккинчи кун. Оч коринга 2-3 стакан сув ичинг, кейин нафас машкларини бажаринг. Нонуштага хўл мева сб, шарбат ичинг. Ишга ёки ўқишга пиёда боринг. Биринчи кун тартибини тақрорланг. Чекиш хуморини нафас машклари ва сув ва шарбат ичиш билан босинг.

Учинчи кун. Овқатланиш тартиби 1-2 кундака.

Тўртинчи кун. Учинчи куни сув ичдингиз, шу сабабли чекиш хоҳиши сусайди. Овқатланиш 1-2-3-кунлардака бўлади.

Бешинчи кун кишида эришилган натижадан қоникиш хисси ҳам, ўз кучига ишониш ҳам пайдо бўлади. Овқатланишни аввалги кунлардака бўлади. Чекишни ҳоҳласангиз, лекин иродангиз бўшлиқ қилаётган ёки чекишни ташлашга қийналаётган бўлсангиз, руҳий таъсир кўрсатиш: гипноза терапия, психо терапия, даво физкультураси ва дори дармонларни врач тавсия этади.

#### Чекишни аста- секин ташлаш қўйидагича амалга оширилади

- 1). Ҳеч қачон 1 қутидан ортиқ сигарета сотиб олманг
- 2). Кутидан 1 дона сигарета олиб, қолганини беркитиб қўйинг
- 3). Факат фильтрли сигарета чекинг.
- 4). Сигарета навини ҳамиша ўзгартириб туринг.
- 5). Сигаретни шундай жойга жойлаштирингки, ҳар гал чеккингиз келганида, ўрнингиздан туришга ва ҳаттоқи уни олиш учун бошқа ҳонага кириб чикишга мажбур бўлинг.
- 6). Агар бирор сизга сигарет тутса, олманг.
- 7). Битта сигаретни чекиб бўлишингиз билан, кулдонни тозаланг.
- 8). Ёнингизда ҳеч қачон гутурт олиб юрманг, уни бирордан сўраб оладиган бўлинг.

тураётгандан токи кўзлари уйқуга кетгунга қадар чекадилар. Базилар ҳатто кечкурун уйқудан уйгониб ҳам чекаверадилар.

Нос чекувчилар носни кўпинча нос шиша ёки нос ковоқдан кафтларига солиб, тил остига ташлайдилар. Оғизга солинадиган нос микдори 1гр дан 5 гр гача бўлишига эътибор берадилар. Агар нос ўткир ёки тъисирли қилиб тайёрланган бўлса, озрок, кучсизрок қилиб тайёрланган бўлса, кафтни тўлдириб ва тез тез отадилар.

Шундай қилиб, бир кеча кундузда камида 25-30 марта нос чекилади. Нос чекувчи нос чеккан пайтида бошининг қандайдир енгил айланиши гўё носнинг ўзига ҳос ёқимли кайфини сургандай бўладилар. Чунки нос тил остига ташланиши биланоқ асаб толалариг тъисир кўрсатиб, чекувчида китиклаш каби ҳолатни уйготади. Носнинг берган кайфи ана шундан нарига ўтмайди. Бундай кайф 10-15 дақика давом этади. Шундан сўнг, оғизга сўлакка аралашиб кетган нос тупуриб тозаланади.

Нос оғизда учрайдиган ракни келтириб чикаради. Нос чекувчи уни тез-тез чекиб турмаса, ўзини нохуш ва ёмон сезади. Кўли ишга бормай, боши оғрийди, тили қакраяди, бир нарсани йўқотган ёки ниманидир унитгандек гангид қолади. Гап ёқмас, қўпол, дағал муомалада бўлиб қолиб, арзимаган нарсадан жаҳли чикаверади. Кўнглига ҳеч нарса сигмайди. Бундай вактларда унинг кўзига ҳатто оила ҳам, бола-чака ҳам, дўст, биродарлар ҳам кўринмайди. Ҳамма нарсадан воз кечгандай бўлади. Нос чекиш билан шу нохуш кайфиятлар ҳам тарқалади, кўзи мошдек очилади ва кўнгли ёришиб, ўзини енгил хис қиласди.

Шуни унитмаслик керакки, ҳар бир заҳарли нарса қон оркали бутун организмга тарқалади, аъзоларнинг меёрий ишланини бузади. Киши ҳаётида мухим ўрин тутган асаб тизими, қон томир тизими заҳарга таслим бўлади. Нос аралашган ва оғиз бўшлигини бутунлай эгаллаб олган сўлаклар ейилган овқат ва ичилган чой билан ошқозон, ичаклар томон йўл олади. Улар кимёвий

таъсиранадилар. Бу ошқозонни шиллик қаватини яллигланишига – гастритта олиб келади.

Овқат ботмаслиги, бош оғриги, сассиқ кекирик, оғизни бемазалиги, бош айланиши, күз тиниши, күнгил айниб, бехузур бўлиш, ич кетиш ёки кабзият кучаяди. Агар гастритни олди олинмаса, у меъда яраси касаллигига айланиши мумкин. Нос чекувчиларда эрлик қобилияйтлари барвақт йўқолади. Нос чекувчи аёлларда эса туғиш ёки хайз кўриш меёрда бўлмайди, бола туғишдан барвақт тўхтайди. Нос чекувчи тишларидан ажрайди, чунки милклари носдаги ишкор таъсирида кизариб бўшашиб қолади. Оғиз ҳамма вақт ифлос бўлиши туфайли тиш атрофига тошлар йигилиб, пиорея касаллиги вужудга келади.

Бу касалликда тиш милклари яллигланиб, тез-тез қонаб туради. Оғиз ҳамма вақт бемаза бўлиб, овқат мазаси сезилмай қолади. Тиш милклари гоҳо кизариб, гоҳо исланиб қолган гўшт сингарни кўкимтири тус олади, хидланади ва доимо сўлак окиб турадиган бўлиб қолади. Агар бу ҳолни олди олинмаса, тишлар тушиб кетади.

Нос чекувчиларда оғиз бўшлиги пардалари кўпинча яллигланиб, овқат ейишга ҳалакит бериши мумкин. Чекишини нихоят ташлаш вақти етганда, нос чекувчилар уни ташқарига чиқиб пуфламай, ўтирган жойларига, тўшак ёки гилам тагига пуфлайдилар. Нос чекувчилар бу билан бошқаларни гашига тегадилар, овқатланиб ўтирганларни иштаҳасини бўғадилар.

Демак, нос кишининг саломатлигини ашаддий душмани экан. Шу боис, ҳеч бир шахс ўзининг сиҳат-саломатлигини, бахту-саодатини ва узок умр кўришини кўзлаб, нос чекишдан юз ўгиришлари керак.

### **Ичкилик – умр заволи**

Ичкилик кадимдан акл–идрок оғуси деб аталади. Спиртли ичимликларнинг маст киладиган хоссалари борлигини одамлар

эрамиздан кам деганда 800 йил илгари асал, мева шарбатлари ва ёввойн узумдан алкоголли ичимликлар тайёрлашга имкон берадиган сопол идишлар пайдо бўлган вақтдан сўнг билиб олишган.



Машхур сайёҳ Н.Н Миклухо-Маклай Янги Гвения хали олов топишни билмаса ҳам, лекин маст қиласиган ичимликлар тайёрлаш усулларини биладиган папуаслар борлигини кўрган. VI-VII асрларда араблар тоза спирт ола бошлишган ва уни “Ал-Когал” деб аташган, бу “маст килувчи, гангитувчи” деган маънони англатади. Биринчи булиб арок шишасини Рагез деган араб тайёрлаган.

Вино ва бижгийдиган бошқа суюкликларни хайдаш йўли билан кучли спиртли ичимликлар тайёрланган. Ўрта асрларда Ғарбий Европада ҳам буни ўрганиб олишган.

Ривоятларга кўра итальян роҳиби алхимик Валентус бу ишни биринчи булиб амалга оширган. У янги тайёрлаган маҳсулотини татиб кўриб, маст бўлиб қолганидан сўнг, мен кишини ёшартирадиган, хориганни тетиклаштирадиган, ғамга ботган

кўнгилни шодлантирадиган ажойиб бир оби–хаёт кашф, этдим деб даво қилган.

Русда ичклиикбозликнинг тарқалиши хукмдор синфлар сиёсатига боғлиқ. 1894–йилдан бошлаб Россияда ароқ сотин подшоҳ монополияси бўлиб қолди.

Алкоголни кайфиятни кўтаради, организмни иситади, касалликларни олдини олади, дезинфекцияловчи модда деб, ича бошлишган. Ичклиикка ружу кўйган киши бенхтиёр равишда, баъзан билиб туриб ҳам ўзини бебош тутишни, ўзбошимчалик қилишни кўзлайди.

#### **Спиртли ичимликни организмга тъсири**

Ичклиик оғиз, меъда ва ичаклардан сўрилиб, қонга ўтади. Қон орқали эса ҳамма органлар, шунингдек бош миянинг ҳам ҳамма хужайраларига етиб боради ва ҳазм бўлиш жараёнида хужайралар кислород ва суюқликларни ютади. Натижада хужайралар буришиб, нормал вазифасини бажаролмай қолади. Бундан ташқари , уларда мураккаб биохимик ўзгаришлар ва моддалар алмашинуви бузилиб, окибатда кайф холати яъни мастилик юзага келади.

Шуни айтиш керакки, спиртли ичимлик тарк этилса ёки узок вақт ичмай юрилса, буришган хужайралар аста секин асл холига келади. Агар ичклиикбозлик сурункали давом этса, хужайралардаги бундай ўзгаришлар ривожланиб боради ва асли холига келмайди.

Алкогол тъсирида меъда ичак шиллик қавати атрофияга учрайди. Натижада ичакда витамин В<sub>1</sub> яхши сўрилмайди ва уни кокарбоксилаза ферментига айланиши бузилади. Бу фермент етишмовчилигидан хужайраларнинг нафас олиши ва углеводлар алмашинуви бузилади. Окибатда пеллагра, бери–бери касалликлари юзага келади.

Кўпчиликда алкогол тъсирида жигарини ёғ босади. Жигар циррози хасталигига дучор бўлади. Жигар циррозидан ўлган

беморларнинг 51.5% ини ичкиликтоз эркаклар, 17.5% ини ичкиликтоз аёллар ташкил қилади.

Бош мия тўқималари ҳам алкогол таъсирида атрофияга учрайди. Периферик асаб тизимида эса яллигланиш ва дегенератив ўзгаришлар содир бўлади.

Алкогол таъсирида юракни ҳам ёғ босади, қалқонсимон беэда фиброз тўқиманинг ўсиб кетишива жинсий безларнинг атрофияга учраши кузатилади.

Аёллар ичкилика берилса , болалари касал бўлиб эмизишга нокобил бўлиб коладилар. Мутахассисларнинг кузатишича, мунтазам алкогол истеъмол қилган аёлларнинг 30- 40 фоизида шу нуқсон учраган. Спиртли ичимликлар бола туғиши функциясига ҳам анчагина таъсир қилади. Ичган аёллар эрта қаришади.

Бола она қорнида ривожланиш даврида унга алкогол таъсир киладиган бўлса, хомила ёки унинг айрим аъзоларининг ривожланмай қолишига (майиб-мажрухликка) , чақалоқнинг кўпинча ўлик туғилишига сабаб бўлиши аниқланган.

Алкогол таъсирида кўплаб низолар келиб чиқади, турмушда ажралишлар юз беради, қотилликлар кузатилади.

Айтадиларки: “Арок ўзи оқ, аммо у бурунни қизил, дилни кора, обрўни бир пул қилади” ёки инсондаги беъмани сўзларни ташкарига хайдаб чиқаради. Бу сўзлар кейин уни бошига етади”.

Шу ўринда ичкиликка муқкасидан кетган бир инсоннинг сўзларини келтирмоқчимиз: “Бундан 40 йил муқаддам деб сўз бошлайди у, 40 йилдан бери йиглаб ибодат қиласман. Бундан 40 йил муқаддам рамазон ойида уйга маст холда кириб келдим. Шунчалар кўп ичибманки, оёқда туролмай қолибман. Зўрга уйга етиб келдим. Эшикни очиб ховлига кирдим. Хотигим нон ёпмоқчи бўлиб тандирга ўт қўяётган экан. Мени маст холда кўриб:”Вой шўрим, рамазонда ҳам ичасизми? Ичкари уйга киринг, қўни- қўшни кўриб

қолмасин, изза бўлмайлик ”, деб мени ичкарига тортди. Фазабим келди: “ Кўлингни торт, йўкол кўзимдан!” деб бакирдим. У мени ичкарига киритмоқчи бўлди. Мен уни ўлгудай дўппосладим. Қийчувни эшитиб онам ичкаридан чиқди. Бошида намоз ўқиганда ўрайдиган катта рўмоли, кўлида тасбех, онам қариб, кичкина бўлиб қолган эди. Ўзи озгин, рўза ичи янаем озиг кетган эди. “Ичдинги, рамазонда ҳам ичасанми?” Йўлдан урган ўртоғларинг ўлсин, рамазонда кайф қилмай ўл, деб сўкди. “Ўзинг ўл” деб онамни шартта кўтариб, ловуллаб ёнаётган тандирга отдим. Таңдир оғзини беркитиб кўйдим. Хотинимни ичкари уйга киргизиб, ташкаридан кулфлаб кўйган эдим. Шундан сўнг кўзимни уйку элта бошлади. Эртасига уйғондим. Хотиним йиглайверганидан шекилли, кўзлари шишиб кетибди. Устига қора кийим кийиб олибди.

Тинчликми?, нега”йиглајапсан? дедим.”У:” Онангизни қаердалигини биласизми? деди.” Йўқ билмайман” дедим. Онажоним қанилар? Ая, хув ая, деб аям ўтирадиган уй томонга қараб бакирдим. Хаёлимда онам ичкаридан туриб: “Хозир болам, икки ракат суннат ўқиб олай, кейин чиқаман” дегандек бўлди.” Кеча ичиб келиб, онажонимни тандирга ташлабсиз. Намозхонимни, дуохонимни ўлдириб қўйибсиз” деди хотиним. Юрагим уришдан тўхтагандек бўлди. “Ёлғон деб қичқириб йигладим”. Онамни уйига чопдим.

Жойнамози солик, Куръони очик, демак онам шу ўртада, узокка кетса, Куръонни очиб кетади. Ая! ая–ю, дедим. Жавоб бўлмади. Таңдир ёнига чопиб келдим. Не кўз билан кўрайки, тандир остида онамнинг рўмоли ва тасбехи ётарди.

Кўрдингизми, ичкилик инсонни не кўйларга солмайди? Гоҳ шер бўлиб наърайсан, гоҳ куш бўлиб сайрайсан, гоҳ маймун бўлиб сакрайсан, гоҳ тўнғиз, гоҳ... хуллас, шакл ҳам, шамойил ҳам одамликдан чиқиб кетади.

Спиртли ичимликларда баъзи наркотик моддаларга хос хусусиятлар бор. Одам ичкиликка ўргангач, борган сари кўпроқ ичади. Бу оғуга ҳам руҳан ҳам жисмонан боғланиб қолади. Ичмаса хумор тутади. Натижада ичкиликни тез–тез ичиб турадиган

бўладилар, аста секин ичкилиқбозлик дардига мубтало бўладилар ва тизим касалликларига йўлиқадилар.

Юқорида зикр килинганидек, ички аъзолар фаолияти бузилади, ҳар хил руҳий хасталиклар ҳам пайдо бўлади. Иччиликбозлар атрофдагиларни менсимайдиган, маъсулиятсиз, алдамчи, айёр, ўта кеттган мағтанчок, наирангбоз бўлиб қоладилар. Бундай инсонларни юзи керкиб, бурни қизариб туради, нафсини қондириш учун топган туттанини ичади, чўнгагида хеч вако қолмагач, бошқаларни тунашга, хатто оғир жиноятлар килишдан ҳам тоймайдилар. Сурункали иччиликбозлик оқибатида одам захарланиб, оқибатда “алкогол психози” деб аталган оғир касалликка дучор бўлади. Бунда одамнинг кўзига даҳшатли маҳлуклар, кўркинчли хайвонлар ёки бадбашара одамлар хавф килаётгандек туйилади, кулоқларига дўк–пўписа эшигилади.



Келтирилган далиллардан кўриниб турибики, спиртли ичимлик катта кулфатларга, мусибатларга олиб келади, обруни туширади, одам саломатлигидан айриб, оламдан эрта кўз юмади.

Шундай экан, ҳар бир инсон ўз жонига жабр килмаслиги, бу зарарли одатдан юз ўгириши лозим.


Нима килмоқ керак?

Ичкиликбозлиқдан кутилиш хар бир инсоннинг ўзига боғлиқ. Бу дардга дучор бўлганлар, маҳсус диспансерларда даволанадилар. Хакиқатдан, даволаниб, ичкиликни мутлақо ташлаганлар кўп.

Маълумки касалликни даволагандан уни олдини олган осон. Шу боис, ичкиликка ўрганишдан эҳтиёт бўлинг. Ичкиликка карши тушунтириш ишларини мактабдан бошлиш керак. Бунинг учун тегишли мутаххасисларни жалб этиш, уларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш, алкоголизимга қарши ўқув куроллари билан таъминлаш лозим.

Фикримизча, спиртли ичимликларни организмга таъсири этиш йўлларини акс эттирувчи мультиплекцион фильмлар яратиш керак. Мастлик натижасида содир бўлаётган кўнгилсиз воқеаларни артистлар ижросида кўрсатиш билан чекланмай, балки хакикий воқеаларни киноленталарга олиш, ичкиликбозлик оқибатида келиб чиқадиган касалликлар тўғрисида фильм яратиш зарур. Буларни ҳаммасини ёшлар ўқидиган, ишлайдиган жойларда мутахассисларнинг маърузаларидан сўнг намойиш қилиш керак. Токи хар бир ёш ичкилик оқибати хакида аниқ тушунча ва тасаввурга эга бўлсин.

Ичкиликбозликка қарши курашда ҳар хил илмий оммабоп маърузалар ўқиш, брошюралар чиқариш, матбуотда маколалар билан чиқиш ҳам катта роль ўйнайди. Корхоналарда ишчилар ўртасида меҳнат интизомини яхшилашга эътибор каратиш лозим. Ишчилар тартибли ва интизомли бўлсалар, ичкиликбозликка ўрин қолмайди. Ичкиликбозликка қарши кураш—келажак авлод саломатлиги учун курашдир. Кимки бу даҳшатли душмандан—захри қотилдан ўзини эҳтиёт қиласа, у доимо соглом, тетик бўлади ва оиласи билан баҳтиёр яшайди.



Шуни айтиш лозимки, охирги пайтларда наркотик моддаларни истеммол килиш кучайди. Буни сизлар газета, журналларда ўкиб, телевизор, киноларда эшитиб хабардор бўлмоқдасиз.

Гиёхвандлик бутунги кунда бутун дунё мамлакатларини ташвишга солаётган иплатларданdir. Xар йили унинг тузогига минглаб, юз минглаб инсонлар тушиб қолаётir. Бу огу не-не умидларни хазон кипаётir, гулдек йигит қизлар унинг макрига учиб, халокат гирдобига гарк булишмоқда. Шу бало туфайли канчадан-қанча ногирон гўдаклар дунёга келаётir, канчадан-қанча оиласалар парчаланиб кетмоқда.

Турли беандиша томошалар, шармсиз фильмлар, кўшиклар ёшлиаримиз онгини заҳарламоқда. Бу ўз навбатида фаҳш, зино, бузуклик сингари ярамас, ёмон иплатларнинг кўтайишига замин бўлаётir. Енгил елни ҳаёт, шахвоний лаззат инсонларни не кўйларга солиши маълум.

Хозирда ОИТС деган дахшатли касаллик мавжуд. Бу касалликка чалинаёттандарнинг асосий қисмини аҳлоқий бузук, гиёхвандликка берилган кимсалар ташкил этади.

ОИТС инсонни мажбурламайди, излаб топмайди, аксинча, инсон уни топиб асирига айланади. Уни домига тушдингми, ўзингни ўзинг ўлимга маҳкум этасан.

Гиёхвандлик хеч кимга наф келтирган эмас. Унинг бир неча дақиқалик кайфу сафоси одамни дўзахга элтаётганини ҳамма ҳамма идрок қилиши керак.

ОИТС, фаҳш, наркоманияни бир кориндан тушган қондошлар десак, тўғри бўлади. Билиш керакки, поклик, тозалик, соғлом турмуш тарзини ўзига шиор килиб олган кишига бу балолар хавф солмайди. Шуни билмок лозимки, ёмон одатларга боғланиб қолишни, унга интилишни асосий сабаби мияни тананинг кулига айланиб қолишидир. Тана ёлғон фалсафа: "Дунёга бир марта келасан, е, ич, айш-ишрат кил, эртанги кунни ўйлама" тарзида бошқарилади.

Бундай яшашни охиривой. Агар инсон берилган имкониятлардан фойдаланиб, мия, онг ёрдамида, табиат қонунлари асосида танасини бошқармаса, у ўз танасига карши жиноят қилган бўлади.

### **Баднафслик, ифлослика кўниши**

Дангасалик, баднафслик, ифлослика кўниши ҳам заради одатлар сирасига киради.

Дангаса инсонлар хар кимга ёкмайди. "Сендан харакат, мендан баракат" деган халкимизда накл бор-ку.

Дангаса инсоннинг шунинг учун ҳам бирини икки бўлмайди, маҳалла куйда обруси бўлмайди, доимо бундай инсонлар хаётдан нолиб юрадилар. Агар дангасадикка баднафслик кўшилсачи, ана унда кўраверинг ҳаётни. Меъёрда овқатланиш саломатлик ва узок

яшаш калитидир. Инсонга 100–120 дан ортиқ умр берилган. Инсон ўзининг очкўзлигини яъни нафсини тия олмаслиги туфайли ўзига берилган умрнинг ярмини ҳам яшамасдан ўлиб кетади.



Шуниси ажабланарлики, ёввойи хайвонлар инстинктин равишда нимани ейиш, ичиш мумкинligини яхши биладилар. Одам эса дуч келган нарсани еб ичаверади, хатто энг қийин хазм бўладиган нарсаларни еб, оркасидан захарли, алкоголли ичимликларни истеъмол киладилар. Яна нега юз йил яшамаганига хайрон бўладилар.

Табиий холдаги овқатлар билан овқатланиш, мақсадга мувофик. Очликка риоя қилиб, организмни тозалаш, жисмоний машқларни мунтазам бажариш узун умр кўришнинг гаровидир.

Ортиқча вазн, семизлик саломатлик издан чиққанини билдиради. Хўш, семиришга аслида нималар сабаб бўлади? Аввало кўп овқат ейишлик (баднафслик), бетартиб овқатланиш, жисмоний камхаракатлик туфайли одам семириб кетади. Семириш биринчи

навбатда юрак, контомир касаллуклардан гипертония, юракнинг ишемик касаллиги (миокард инфаркти), мия инсульти каби мудхиши касаллакларни келтириб чиқаради.

Агар сизнинг вазнингиз меъёридан ортиқ бўлса, тезда уни йўқотиш пайига тушинг. Ортиқча вази, "осилган қорин", ой куни якинлашган хомиладор аёлни эслатади. Эркак кишидаги бундай қорин жуда хунук кўринади. Шу боис, ундан тезроқ кутилиш чорасини тезроқ кўриш керак. Бунинг учун доим серҳаракат бўлиб, картошка, нон, ҳамир таомлар, ёғ, ширинликлар, ширин ичимликлардан камроқ танаввул килиб, кўпроқ оқсили, витамины, минерални таомларни истеъмол килиш керак. Организмни оқсиллар билан асосан гўшт, пишлок, творог таъминласа, сабзавот, кўкатлар ва мевалар минерал моддалар ва витаминалар билан таъминлади. Кунига бир неча маҳал оз—оздан овқатланинг. Клетчаткага бой қора нон, мевалар, сабзавотлар, дуккакли ўсимликлар, ёнгоқдан истеъмол килинг. Улар тўйимли бўлиб, одамни узоқ вакт тўқ тутади. Тўйинган ёѓлар билан канд сманг. Сарёғ суртилган нонни камроғ енг, ширин чой билан кофедан камроқ ичинг. Овқатни тузи бироз пастроқ бўлсин. Семизликдан холи бўлсангиз, ўз ўзидан камхаракатликдан ҳам халос бўласиз. Халқимизда "Ортиқча ёѓлар—кўнгилни додлар, ейин учун эмас, яшаш учун ейиш керак" деган мақоллар бежизга яратилмагандир.

Ифлослик –энг ёмон одатдир. Аввалдан уйнинг бир жойига йигилиб қолган чиқиндига нохушлик белгиси деб қаралган. Кексалар :"Тозаланмаган жойга жинлар уй қуриб олади" деган эртакнамо хикоялар билан фарзандлар қулогига бу масалани куйиб келишган.

Маълумки озодалик бор жойни кут барака згаллайди. Барака бўлса турмуш файзли, иш унумли, бўлади. Ҳаммаёқни озода ва ораста бўлиши кайфиятни кўтаради, оилани муҳташам қиласди. "Киз бола борган жойида бахтини, хурмат—эътиборини косов

күли-ю, супурги сочи билан топади" дейишади. Шу ўринда бир хикмат эсимга тушди: Шайтондан сўрабдилар: Қандай одамларни яхши кўрасан? У: "Мен олти тоифа одамларни яхши кўраман. Биринчи - уйкудан эрта уйғонмайдиган дангаса одамни, иккинчиси - ҳоҳ уйда ҳоҳ меҳмонда косада овқатни қолдирган одамни, учинчиси - пиёладаги чойни тагида қолдиргани, тўртингчиси - еяётган нонни охиригача емай, тўғрамини қолдирган одамни, бешинчиси - кийимларни енгини киймай, ёпниб юрган одамни, олтинчиси - идишларни ювиксиз қолдирган одамни" деб жавоб берган экан.

"Нима учун бундай одамларни яхши кўрасан" деб яна сўрадилар. У: "Биричидан эрта турган одам менинг измимга кирмайди, кеч турган оламни эса ҳар кўйга солиш осон. Кийимини енгини киймай юрган одамни енгига кириб олиб, уни ҳам ҳар кўйга соламан. Ошхонада ювилмай қолган идишлар менинг тувагим бўлади, уларни макруҳ қилиб зависланаман. Кейин улар идишларни тозалаб ювмай, катрон қиласдан ишлатаверадилар. Косадаги овқатни, пиёладаги чойни, нонни тўғрамини қолдирган одамни ризки қийилади" деган экан.

Донолар бекорга "Уйи тозага гард юқмас, гард юқса ҳам дард юқмас" дейишмаган. Кўрдингизми? Лекин минг афсуски хозирда кўп инсонлар буларга аҳамият бермайдилар.

"Саломатлик туман бойлик" деган доно халқимиз. Қадимда бир донишманддан: "Одамни нима баҳтли килади? бойликми ёки шон шухратми? деб сўрадилар, бойлик ҳам, шон шухрат ҳам одамни баҳтли килолмайди. Тану жони соғ гадо ҳар қандай бойданда баҳтлироқдир", деган экан у донишманд.

Дарҳакиқат шундай. Соглигини мазаси йўқ одам баҳтли бўлолмайди, бетоб кимсага хеч қандай бойлик татимайди. Аммо сихат саломат бўлиб юриш кўп жихатдан одамнинг ўзига боғлик.

Агар хар қандай одам юкорида зикр қилинган заарли одатлардан ўзини эхтиёт килса, у мустахкам согликка эришади.

Шу боис, хар бир инсон соглом турмуш тарзи ва маданияти тўгрисида билим ва малакага эга бўлиб, уни кундалик турмушда кўллаб, баҳтли умр кўриши мумкин.

Хоирда бизнинг соглик йўлидаги харакатимиз, юкорида зикр этилган заарли одатларни кундалик турмушдан чикариб ташлашга, уларга қарши курашга, кундалик хаётда соглом турмуш тарзига риоя қилишга қаратилган бўлиши керак.

### **Ҳасадгўйлик**

Буюк аллома Абу Наср Фаробий: „Дарахтнинг буюклиги унинг меваси билан бўлганидек , инсоннинг барча хислатлари аҳлок билан белгиланади " деган еди.

Шуни билиш керакки, инсоннинг акли , харакати ва одоби кишилар назаридан хеч качон четда қолмайди, бошқалар томонидан доимо баҳоланиб турилади.

Ширинаханлик, хушфеъллик, манзират хаётимизни безайди, унга гўзаллик беради. Ширинахан инсонлар қатори хаётда қўпол, одобсиз инсонларга ҳам дуч келасан киши.

Моҳир жарроҳ Ф. Углов: „Бундай шахслар онадан қўпол, одобсиз, дилозор бўлиб тугилмайдилар, улар ҳам оиласда, махаллада, жамоада хаёти давомида меҳрсиз, орсиз, ҳасадгўй, иккюзламачи бўлиб ўсадилар" деган эди.

Рухшунослар фикрича ички оламииздаги гўзал фазилатларга талофат етказувчи энг асосий хусусият бу-ҳасаддир. Ҳасад сўзининг лугавий маъноси, бирор нарсанни терисини шилишни ифодалайди. Аллоҳ Тволо қуръони каримда ҳасадчининг ҳасадгўйлигидан паноҳ сўрашга буюрган. Ҳадиси шарифда эса: «Ҳассаддан сақланинг! Чунки ҳасад яхшиликларни худди олов тутунни егандай, еб юборади», дейилган.

Демак, қанча қалбда хасад бўлса, у ердаги инсоний фазилатларга ўрин қолмайди. Ҳасадчининг хасадчилиги билинади. Унинг ёмонлиги нафакат бошқаларга, биринчи навбатда, ўзиги катта зиён етказади. Одамлар ундан эхтиёт бўлиб, четлашиб юришларининг ўзи хасадчига берилган жазонинг бир кўриннишидир.

Яхши инсонларни бадном қилиш, тирноқ тагидан кир кидириш, юмaloқ ҳатлар ёзиш, тилёғламалик билан катталарга бошқаларни ёмонлаш кабилар хасадчининг асосий белгиларидан хисобланади. Хасад қалб касалликларини энг ҳатарлisisi. Хасадгўй инсонлар ҳам жамиятга, ҳам кишиларга жиддий заарар етказадилар. Бу шахслар бирорларни хато қилиб кўйишларини зимдан пойлайдилар. Бундайлар баданинг соғ жои қолиб, нукул яра жойига кўнадиган пащшаларга ўхшайдилар. Кўзларини бакрайтириб ёлғон сўзлайдилар. Улар маълум вакт ўз мақсадларига эришишлари мумкин. Аммо бу мувоффакият вақтингчалик бўлиб, тез вакт ичida уларни шармандаси чиқади. Бу иккюзламачи шахслар одамларга кулиб муомала қиласидилар-у, аммо уларнинг кўнгилларида хасад ўти ёнади. Уларга „ичи тўла зардоб“ деган ибора тўгри келади. Бундай инсонлар билан билмай бир даврада ўтириб қоласиз. Сал утмай улар ё бир заҳарли сўз айтиб, сизни чақиб олади ёки тулкилик қиласиди ё гардайиб, сизни ўсал қиласиди. „Одамнинг оласи ичida экан“ деган маталнама ибора ҳам шундан келиб чиқсан бўлса ажаб емас. Улар ўзини қора ниятлари, ҳакикий башараларини, усталик билан никоблаб юрадилар. Аслида улар қобилияtsиз шахслар бўладилар, ишини ёлчишиб қиласидилар, халол меҳнатдан кочадилар. Хушомадгўйлик уларни бирдан-бир куроли. Улар учун фаслларнинг ўзгаришини аҳамияти йўқ. Улар дарров ўша фаслга мос тўнни кийиб оладилар. Улар яхшироқ мансабга эришиш учун бор кучларини сарфлайдилар. Ўрни келганда софдил инсонларга тухмат улоқтирадилар, ҳар қандай ташаббусни бўтишга интиладилар. Ана шундай хасадгўй инсонлар туфайли қанчадан-қанча софдил, меҳнатсевар, халол

исонлар рухан майиб бўлиб қоладилар. Шифохоналарда даволанаётган қон босими баланд инсонлар, инфаркт, инсульт бўлганлар, қанд ва ошқозон яраси касаллиги билан оғриган беморлар билан сухбатлашганимизда уларнинг кўпчилиги ана шундай инсонлар қилиғи туфайли жабр тортаётганлигини айтишади. Бундай иккюзламачи, хасадгуй, мунофиқ инсонларни худди асаларига ўхшатиш мумкин. Чунки асалариларнинг оғзида шакари, дилида заҳари бордир.

Айтишларича, от пойгасида бир хасадгўй мэррага яқинлашаётганда оти йиқилиб кетиб, чопа олмай қолибди. У дархол ўзини тиклаб, олдиндаги сафда келаётганпойгачи отининг оёғи остига ўзини ташлабди. Уни оғир жароҳатлаган холда олиб чиқиб, нима сабабдан бундай қилганини сўрашганларида, „У одам биринчилликни олгандан кўра, менинг ўлимим яхшироқ" деб изоҳ берган.

Алломаларимизнинг айтишларича, одамзодга аслида минг йил умр берилган экан. Умр эгови бўлмиш юқоридаги каби васвасага учраган одамларнинг жирканч қиликлари туфайли, одамзод зўрга 70-80 йил умр кўрадиган бўлиб қолган экан.

Араб ровийси ва шоири Асмаъий айтади: „Сахрода 120 ёшли кишини куриб қолдим ва ундан бу ўшда бунчалик тетиклигини сири нимада эканлигини сўрадим. Шунда у: „Хасадни тарқ этгандим, жasad соғ қолди" деб жавоб берган экан. Бу сўзларда кўпгина маъно бор. Бундай хасадгуй инсонлар Алишер Навоий, Бобур замонларида ҳам бўлганлар. Лекин ўша давр инсонлари одамийлик, инсонийликни авайлаб асрарсанлар, бундай андишасиз инсонлардан хазар қилганлар. Натижада соялар чекиниб, нурлар кўпайган. Ёмонлик ўринини яхшилик, тошбағирлик ўринини меҳргиё, эгрилик ўринини тўғрилик, беорлик ўринини диёнат олган.


Дўстларнинг ютуғидан қувониши, унга хавас қилиш хар кишини кўлидан келавермаскан. Хавас дараҳтидан кўра хасад дараҳти сўлмаскан. Унинг соясида қолиб кетгалари кўр бўларкан.

Ғийбатлар , хусуматлар ана шунақалар қалбидә ин куаркан, негаки одамзодлар учун хасад дараҳтининг гуллари чиройлироқ күринаркан.

### Ғийбат қилиш

Ғийбат, одамзодни масҳара қилиш, лақаб куйиш ҳам заарли одатлар сарасига киради. Кейинги пайтларда баъзи бир шахслар гуноҳ нима , савоб нима эътибор бермай , оғзиги келганини гапирадиган бўлиб қолганидан, жароҳат устига жароҳат тушириб, асаб касалликлари, юрак хасталиклари кўпайиб бормоқда .

Маълумки, тилдан келадиган одатлар хилма-хил. Булардан бири ғийбатдир. Дунёда инсонни минг хили бўлади. Бирор элим деб юртим деб яшаса, бошқаси эл-юрт ғамида юрган фидойи инсонларнинг эзгу ишларини кўролмаскан.



Дарс кеттган юракдан сўрашибди: „Сенга нима бўлди ? Тиг тегмаса ҳам ўз-ўзингдан дарс кетибсан? „, Тигдан ҳам ёмонроқ нарса тегди " дебди у. Ха, нима бўлди ?-Иғвогарнинг тил тиги тегди. Шу туфайли шу ахволга тушдим , энди эса холимга келишим амри маҳолга ўхшайди.

Дарҳақиқат , бир оғиз игво сўз инсон шанини оёқ ости қилади , тоғтайди. Бир масалда шундай дейилади: „ Нега тишлайсан дебди тил , дудуклана-дудуклана тишга.-Учингдан озгинани узиб ташламоқчи эдимда , деб жавоб берибди тиш...

-Нега гунохим нима?

-Шунинг учунки, кўринганга заҳрингни сочасан, барча сендан безор. Сал қискартириб кўйсам , зора заҳрингни камроқ сочиб, ширинроқ бўлсанг" деган экан тиши.

Гийбатчилар сиз ва бизнинг орамизда юриб , одамларни зимдан пойлаб , улар сухбатига аралашиб, бировлар айбини ахтарадилар, ҳалқ тили билан айтганда, тирноқ остидан кир кидирадилар. Гийбатчи ўзининг бу гараз хатти-харакати билан соябонларига яхши кўринмоқчи бўладилар.

Лекин ҳалқимиз : „ Гийбатчини тингловчи гийбатчини шеригидир" деб ҳам бежиз айтишмаган.

Шуни унумаслик керакки , Аллоҳ Таоло гийбатчиликни улкан гунохлар қаторига кирилган. Гийбатчиларнинг гийбати кишиларнинг обрўсини тўкиб, катта зарар келтириши билан бирга, жамиятдаги ўзаро муносабатларни ҳам бузади . гийбатчиликнинг енг асосий сабаби иймоннинг заифлигидир. Заиф инсонлар хатони бошқалардан излайди. Уларнинг айбини ортидан гапириш гийбат деб аталиб, улкан гуноҳ хисобланар экан.

Кишида йўқ айбни бор деб айтиш бўхтон деб аталади. Бўхтон айбсиз инсонларни обруслантириш учун имонсиз инсонлар

томонидан уюштирилган нарсадир. Бу каттиқ жазога сазовор ишдир.

Яна қүйидаги ривоятта бир этибор беринг-а! Пайғамбар алайхиссалом Ойша онамиз билан ўйларida ўтирган эдилар. Бир аәл бир юмуши билан келади. Халиги хотин пайғамбаримизга мурожаат килиб кетгандаридан ортидан Ойша онамиз: „Бўйи паст эканми? дедилар. Қаранг халиги аёлда бу холат, кўриниб турган нарса. Лекин бу аәл бу гапни эшитганда хафа бўларди, дили ранжирди-да. Шунинг учун бирорни кўринишидами, кийимишами, жасму-жасадидами, хаттохи яшаётган манзил-макони ёки мансабидами бирор камчилик бўлса ўшани ҳам гапиришлик гибатта ўтар экан.

Банда билибми билмасданни гийбат қиласиган бўлса умид билан қилган тоат –ибодатлари савобларидан маҳрум бўлиб колиши мумкин экан .

Кўйидаги ривоятга ҳам бир қулок тутиңг. Ривоят қилишларича, Бухоро шаҳар ахолиси орасида вабо касаллиги таркалади, Абу Али Ибн Сино амирдан шаҳар дарвозаларини беркитишни, ташқаридан одам киритилмаслик ва шаҳардан хеч кимни чиқармасликни талаб қиласи. Шунингдек шаҳар ахолисини маҳсус идишда пешоб олиб келишларини сўрайди .Амир Ибн Сино кўйган талаб ва таклифларни беками- кўст бажаради.Амалга оширилаётган тадбирлар шубҳасиз буюк табибининг шон – шуҳратини бутун мамлакатга ёяди .Бу эса амирнинг амалдорларига хуш келмасди,хасад ўтида ёнаётган юрт айёнлари иғвони бошлаб юборадилар.

Амалдорлардан бири бўш бир шишада хўқизни пешобини Ибн Сино хузурига олиб боради . Табиб пешобни синчилаб текширгандан сўнг, bemorга дори ёзиб беради. Амалдор коғозни олиб амир хузурига кириб боради .У ерда хукмдор амиру – уламолари билан ўтирган бўлади

-“Шұхратпаст табибингизнинг миси чикди айло ҳазрат, мурожат этади амирға у -мен синамоқ учун қорамолнинг пешобини олиб боргандим, у менга дори ёзиб берди”

Хукмдор шуларни айтиб, Ибн Сино ёзиб берган дори қоғозни амирға узатади .Амир қоғозни ўқишига буюради .Қоғозда: “Касалингиз оғир, сизга хар куни уч бօғ беда билан бир калла кунжара керак. Шу дорилар жонингизга оро киргай”, дейилгән экан

Ҳамма кулади Амир амалдорга дебди:“Сен игвогар ё ўзингни осиб ўлдирмоғинг ёки мамлакатдан чиқиб кетмоғинг лозим” деб амр килған экан

Иккінчи бир мисол. Ибн Синони обрӯ өзтиборини кўра олмайдиган шогирдларидан бири узтозини заҳарлаб ўлдириш ва шу йўл билан мамлакат амири олдида өзтибор топиш максадида заҳарли дори тайерлайди ва уни Ибн Синога беради. Шогирдни разил ниятини сезган табиб, аллақачон у дорини рад этувчи бошқа бир дори тайерлайди.Аммо Ибн Сино нопок шогирдга хеч нима демайди ва бир хизматкорига шу шогирд дарвозаси олдига бир арава кум олиб бориб ташлашини буюради.Ноқобил шогирд хар куни шу кумда кимматбахо бир нима бордир,деб уни элатади.Шу давр ичиди у ўйлайвериб, чанг еб,озиб, соchlари окариб кетади, охири узтози олдига келиб сўрайди

- Улут табиб мен бу қыргызлиқни боисига тушунмадим. Ибн Сино жавоб қилади

“Мен оталик килиб сени вояга етказдим, устозлик килиб эгри йўлигнни тўғриладим, хунар ўргатдим, меҳримни бердим .Сен бўлсанг буларни унутиб,хасадгўйлик манманлик, шон—шұхратга берилиб, узтозингни жонига қасд қилмоқчи бўлдинг.Мен сени урмадим,сукмадим, аммо чанг ва уй –гам чангалига гирфдор этдимки, бу оғир касалликдир.”

## Мазаҳ ва масҳаралаш



Мазаҳ ва масҳаралашни ўзига одат қилиб олган одам хеч кимга ёқмайди. Мазаҳ ва одат бир бирига зиддир. Донолар: "Билки, кўпинча бирорга дилозорлик қилиб оғзингдан ёмон сўзлар чиқса, гунохга ботасан. Хатто дўстинг бўлса ҳам, бу маҳкир сўзларинг учун сенга кек саклаб, душман бўлади. Агар одамларни масҳара қилсанг, улар душманлик қилмасаларда, сени хурматламай, қадрламай кўядилар. Ўзаро масҳаралашдан роҳат олганларнинг холи не кечганини билсайдинг, бу ёмон одатни мутлоқ тарк этардинг. Ҳазил, мазаҳ, қилиб, бирорларни кулдирмоқчи бўласан. Билмайсанки улар сўзларингдан ҳам кўпроқ ўзингни-расволигингга куладилар. Номинг оламга масҳарабоз бўлиб ёйилади. Билгинки, ҳазил-мазаҳ, фақат ақлсиз инсонлар ишидир. Тили узун бўлганларнинг умри қисқа бўлади" деган эканлар.

Яна бир ёмон одат лақаб қуийшдир. Лақаб қуийш кишини масҳаралаш, обрусиزلантириш ва хижолат қилишдан бошқа нарса эмас. Масҳаралаш ва лақаб қуийш гуноҳ хисобланади.

## Дилозорлик



Ёмонлик қилиш , дилозорлик, күпөллик-тубан ва маңнавий кашшок кишилар қуролидир. Билмок лозимки, хар бир ёмонликни ҳам жазоси бор. Ўз ёмонлигини ниқоблаган, хийла ишлатиб, ўзини яхши кўрсатган одам, албатта эртами, кечми қилмишларини жазосини олади.

Шу ўринда бир ривоятни келтириб ўтиш жоиз деб билдим. Бир куни жаноби Расулуллоҳ (САВ), саҳобаларига караб айтадиларки: «Биласизларми мискин бечора ким?» Саҳобалар жавоб бердилар: « Мискин бечора деб на пули ва на матоси йўқ кишини айтамиз». Шунда пайғамбаримиз айтадиларки: « Йўқ мискин бечоралар деб шўндан инсонларга айтадиларки, менинг умматларим қиёмат куни маҳшаргоҳга йигилган пайтларида, уларнинг ичидаги намозларини ўз вактида ўқиган, рӯзаларини тутган, закотларини ҳам адод этган мусулмонлар бўлади. Лекин улар бошқа айблари сабабли мискин бечоралардан ҳам баттар ҳисобланадилар, чунки улур ибодатларни мукаммал қилганлари билан бирояларни сабабсиз сўkkани , масҳаралаган ёки ноҳақ зулм ўтказган бўларкан. Ана энди машҳаргоҳда ўта мазлум, жафокаш кишиларга ҳақ Таоло

булардан касосларини ундириб бераркан. Яъни канча зулм ўтказган бўлсалар, шунча миқдорда савоб ишларидан олиб, шу мазлумларга бўлиб беради. Агар қилган савоб ишлари тўлашга етмаса, мазкур мазлумларнинг гуноҳларидан олиб, ўша золимларга ёзилади. Савоблар тугаган ва унинг устига халиги гуноҳларини ҳам ўзларига олганларидан кейин табийки, жаҳаннамга ташланадилар» деб жаноби Расулуллоҳ ўз умматларига разил сифатларнинг оқибати кандай мудхии эканлигидан хабар берган эканлар.

Яна пайғамбаримиз: «Жабру зулмнинг турлари кўп. Масалан ота-оналар ўз фарзандларига яхши тарбия бермаётган бўлса, бу ҳам зулм, оила бошлиги ўз рўзгори учун зарур нарсаларни мухайё қилишга харакат қиласаётган бўлса, бу ҳам зулм. Аёл киши ўз эрига хиёнат қиласа, эрини топаётган маблагидан сўрамай, қаёкларгадир сарф килаётган бўлса, бу ҳам зулм. Қайнона ўз келинларига ўгай онадек муомала килаётган бўлса ва аксинча, келин қайнонага нисбатан адолатсиз бўлса, бу ҳам зулм. Хуллас, кўлидан яхшилик келадиган одам ёмонлик қиласа ёки ёрдам беришга қудрати етиб туриб, ёрдамини аяса, демак унинг беражм, бешафкат, балки золим одам эканлиги маълум бўлади, дейдилар.

Яна бир ривоятда айтилишича, бир подшоҳ ўғлини устозга топширибди. Ўғил устозидан ўн йил сабок олиб, ўрганиши керак бўлган барча нарсаларни ўрганиб олибди. Шогирд хайрлашиб уйга кетаётганида, устози уни бекордан-бекорга юзига тарсаки тортиб юборибди. Шогирд бу хўрлашга чидаб, индамай хайрлашиб, бўлиб уйига қайтибди. Орадан 10-йил ўтибди. У отаси ўрнига шоҳ бўлибди ва устозини олдига чакириб, ундан 10-йил олдинаввалги еган тарсакиси сабабини сўрабди. «Мен дебди устоз, сизни бекордан-бекорга ургандим, ана шу ноҳақ тарсаки мана 10-йилдан бери қалбингиздан ўчмабди. Билиб кўйигнки, сиз кимга ноҳақ зулм ўтказсангиз, унинг қалбига доимо алам сакланиб колади. Бу менинг сизга зулм ҳақидаги охиригি дарсим эди» деган экан.

Шунинг учун ҳам донолар: « Кўнгилни яралаш қийин иш эмас , аммо кўнгилга йўл топиш мушкулдир» дейишиган.

### Кибр ва манманлик



Кибр ва манманлик бир бирига якин ҳамда ўхшаш салбий сифатлардир.

Уламолар кибр калбда намоён бўлиб, кибрли одам бошқалардан ўзини устун куйиши билан ажralиб туради. Манманликка йулиқкан кимса эса ўзининг фъел-автори, кийим-кечаги, иш-жойига ўзи маҳлиё бўлган, ўз тасаввур оламига бошқаларни яқинлаштирумайдиган одамлар дейилади.

Сиз қадимдаги ривоят ва ҳадисга бир этибор беринг—а!

Кишилар мажнунтол тагига хадеб келаверганидан Мирзатеракни гаши келиб, такаббурлик ва кибр билан: —Ёнимга савлатимдан хайиқиб анча мунча одам келолмайди. Сенга хайрониан олдингдан одам аримайди, ё сени назар писанд қилишмайдими? Бунинг устига сени кўшиққа солгандарига бало борми? дебди.

—“Сен кибру хаво билан осмонга караб интиласан. Соянг ҳам ўзингга яраша. Мен бўлсам ўзимни вояга етказган замин билан боғланиб, унга хурматдаю таъзимда буламан. Ёнимга кишиларнинг кўплаб келиши, балки ана шу камтарлигимдандир. Сен кибрликни касб килиб олиб, манманликка берилмаганингда эди , бунчалик

эътибордан қолмасдинг ва охир кесилиб , оёқ остига тушмаган бўлардинг" деб жавоб берган экан мажнунтол. Кибрли инсонлар ўзларини доно ақлли санайдилар. Мен деган сўзни кўп пеша киладилар, бошқаларга беписанд бўладилар.

Мол дунёси кўплар мансабдор шахслар ўртасида, кибрлилар, манмансираганлар кўпроқ учрайди. Улар ўз манфатлари йўлида хамма нарсани ўз қаричлари билан ўлчайдилар ва атрофдагиларга айrim холларда заар етказадилар. Кўйида сиз бир аёлни бошидан ўтказган воқеага эътибор беринг—а!

—Узок кишлоқка туйга бордик, деди бу аёл. Биз ўтирган хонага бир жувон қизи билан кириб келди. Ўзи гаріброқкина экану, қизи атрофга қараб нукул тиржаяр, уни ақли пастлиги шудоқкина кўринниб турарди. Қизча онасини кўлидан юлкиниб чиқдио, сурилиб-сурилиб менга яқин келди. Қўлларини кўйлагимга теккизди. Тўғрисини айтсам, ундан жирканиб қизини озимдан нари итариб юбордим: " Шунақаям қиз туғадими , одам"дедим шерикларимга пицирлаб. Жувон қизчасини кўтариб, хонадан тезда чикиб кетди. Ўша қизни кўли теккан кўйлагим этимни кўйдираётгандек уйгача кийналиб келдимда, дарров кўйлагимни ечиб, ёкиб юбордим. Кўп ўтмай яна хомиладор эканлигим маълум бўлди. Орадан бир йил ўтмай, бир қиз туғилди. Ё тавба чакалок ўша мен туйда кўрган қизчанинг ўзгинаси эди! Улгайган сари қизчам кўз ўнгимда ўша қизалокнинг қиликларини такрорларди. Устига устак оёқ кўли, узун узи букри бўлиб қолди, чехраси самимий, доим кулиб турарди. Бироқ кулгиси ҳам қурқинчли эди. Ўшандা бир уй хотин орасида кибрланганлигим , ўша жувон ва қизни ерга урганилигимни эсласам, халигача ўзимни кечира олмайман. Бир лаҳзали кибрим менга ана шундай азоб бериб куйганди. Кўрдингизми кибланишни оқибатини.

Кибрли кимса хақни инкор қилиши билан ҳам ажralиб туради. Аллоҳ ҳар бир одамни кўнглидаги сирларини ҳам, ошкора қилаётган амалларини ҳам билгучи зотдир... Қалблари хақиқатни

инкор қилаётган, ўzlари мутакабирлик қилаётгандар ҳам учраб туради.

Қалбини кибр эгаллаган кимсалар шу қадар қадар жохиллашар эканларки, улар учун уч харфдан иборат узр сўзини айтишнинг ўзи маломатта айланаркан. Шундай пайтда имом Фазолий!" Саодат қалити хушёрлик ва фахму фаросатдир. Бадбахтлик манбаи кибр ва ғафлатдир" деганларида қанчалар ҳақ экан, деган ўй кўнглингдан ўтади.

Оилалар, кариндош уруғлар, ҳамкаслар ва дўсту биродарларнинг ўзаро муносабатларни бузилишида ҳам кўп холларда манманлик ва кибр сабаб бўлаётганини унутмаслигимиз керак.

Демак , хасадгўйлик, ғийбат, масхара қилиш, лақаб кўйиш, кибрлилик манманлик кабилар зарарли одатлар таркибига кириб, Мустакил республикамиз кишини комил инсон қилиб тарбиялашимизга, кенг тарғиб қилаётган соғлом турмуш тарзига кора доғлар даб қарамогимиз ва бундай меҳрсиз инсонларга нисбатан маълум чораларни кўллашимиз лозим. Шундагина бу инсонлар урнига эзгулик улашувчи кўнгил табиблари кўпаяди.

### **Қадимги Хитой файласуфи Лао Цзюннинг қасаллик ҳақида 10 та фикри**

1. Одамларга ёрдам бериб, ажр умид қилиш–бу қасаллик;
2. Мансаб ва хокимиятдан фойдаланиб, зўравонлик қилиш–бу қасаллик.
3. Маъсулиятни бировларни зиммасига юклаш–бу қасаллик.
4. "Менга марҳамат кўрсатмадинг " деб биронни айблаш–бу қасаллик.
5. Истеъдоддиларни ҳакорат қилиш ва койиш–бу қасаллик.
6. Ваъдага вафо қилмаслик–бу қасаллик.

7. Жамоа айзолари қилган ишни "биз" эмас "мен" күлдим дейиш—бу касаллик.
8. Нафратнинг зиёдлиги, мұхаббатнинг камлиги—бу касаллик.
9. Бирөвларнинг ишига бурун суқиши—бу касаллик.
10. Карши тарафнинг фикрини тингламаслик—бу касаллик.

### Зараарлы одатлар түгрисида донолар фикрлари

1. Тамаки—ёшни килар амаки
2. Тамаки чекиши—соғлиқдан кечиш
3. Наша чекиши айб—күкнор чекиши уят
4. Мастилик – ихтиёрий жинниликтір
5. Нос андок нарсадурким, шодлик кунинг ғам этур,  
Киттак ахлатта түшса ахлат ундан ор қилур
6. Нечун доно кам—у аммо нодон күп?  
Яхши уч-тұртаю, лекин ёмон күп.  
Тил учиды хасад бўлса "яхши" деб,  
босган изинг ўлчагувчи ҳамон күп.
7. Кўнгил деганлари мисоли шиша,  
синиб қолмасин у, асра ҳамиша
8. Кўнгил бир боғ, унда анвойи гулларни ўстириш мумкин, ёки  
уни тиканзорга ҳам айлантириш мумкин.
9. Заррача яхшилик бежавоб бўлмас,  
ёмонлик ҳам билгин, жазосиз қолмас.  
Атрофга қарагин, хисоб бўляпти,  
нени киласа инсон, шуни кўряпти.
10. Оғиз ичидаги тил қин ичига яширишган қиличидир.
11. Тил борки бол келтиради, тил борки бало келтиради.
12. Ножоиз сұхбатдан илондан қочгандек қоч
13. Ғазаб шундай дараҳтқи унинг меваси пушаймонлардан  
иборат.
14. Сабр килиб, нағсни тия билиш керак,

- кимки бунга қобил экан, сув сойликни. Ўрдак күлни топгани  
каби, хушбахтлик ва саодат эшиклари унга очилади
15. Найза жисмга санчилади, аччиқ сўз эса юракка
16. Ўз нафсини мағлуб этган марддир,  
Гийбатдан узоққа қочган одам марддир,  
Номард тепиб ўтар йикилгандарни,  
Ожизлар қўлин тутолган марддир.
17. Севдирадиган ҳам тил, бездирадиган ҳам тил,  
Тўғридан эгрига озирадиган ҳам тил,  
Тохирни дарёга оқизган хатто,  
Мажнунни чўл - даштда кездирган ҳам тил.
18. Агар сен вафоли бўлсанг, вафоси йўқ бевафодан қоч,  
Вафонинг қадрини билмай юрувчи, норасодан қоч.  
Қошингда инчунун мақтаб, йўғингда нолиб.  
Тилига дил эмас пайванд, мунофиқ дилозордан қоч.
19. Яхши одам бўлмоқ эрсанг, хулқи атворинг тузат!  
Тил билан дил синдирувчи баъзи озоринг тузат.  
Тан ва жонинг бўлсаки соғ шукр айлаб бажо,  
Ёш чогингни елга бермай, касб ила коринг тузат.
20. Тўлиб егандан, бўлиб еган яхшироқ
21. Кимки кўп ейишни айласа одат, ичин, ташин қоплагай  
иллат.
22. Нафсни тиймаса кимки бўлар хор, нафси уни қиласди кўча  
кўйда зор.
23. Гўзаллик дунёси хикмат ичинда,  
лаззатнинг давоси хикмат ичинда  
Бузилган феъл ила айниган хулқнинг,  
энг ўткир давоси хикмат ичинда.
24. Фақатгина соғлом ҳалқ ва соғлом миллатгина буюк  
ишлиарга қодир бўлади.
25. Агар 10 йил табибларсиз қолсак, даволанишни  
йўқотамиз,  
Агар 10 йил мухандиссиз қолсак, тартиб интизомни  
йўқотамиз,

Агар 10 йил адвокатсиз қолсак, адолатни йўқотамиз,  
Агар 10 йил муаллимларисиз қолсак, табибларни ҳам,  
муҳандисларни ҳам, адвокатларни ҳам йўқотамиз.

26. Агар билсанг ушбу китобнинг кадрин,  
Олтин суви ила кўчирдим барин.  
Озмунча дорилар қилмадим баён,  
Бариси синалган ва бўлган аён.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мирқобил Халилов, "Спиртли ичимликларни истеъмол  
килишнинг биологик таъсири" 1997й
  2. Нигора Аширова , "Гиёхвандлик аср вабоси"  
Тошкент,2012й
  3. Шахобиддин Баҳриддинов, "Исломда овқатланиш одоби" в  
Наманган,2011й
  4. Одилхон кори Юнусхон ўғли "Бахиллик ва баднафслик"  
Тошкент,2008й
- 
- 5 Р.И.Вагнер "Не кури" Москва,1999г
  - 6 В.Я.Деглин "Заифларнинг кайфлари" Москва,1993г
  - 7 Р.Г.Оганов "Берегите сердца" Москва 1999г
  - 8 Н.С.Петрова "Профилактика и лечение сердечно-  
сосудистых заболеваний" Тошкент,2001г
  - 9 В.А.Люсов "Сердечно-сосудистые заболевания в молодом  
возрасте" Москва,1998г
  - 10 И.И.Беляев "Табак- враг здоровья" Москва,2002г
  - 11 Р.А.Каценович "Юрак-кон томир тизими касалликлари  
профилактикаси "Тошкент,1987г

## Мундарижа

Сўзбоши	3
Тамаки захар, ундан кил хазар	4
Никотининг организимга таъсири	9
Тамакининг нафас аъзоларига таъсири	13
Тамакининг юрак қон томир тизимиға таъсири	15
Тамакининг ошқозон-ичак тизимиға таъсири	17
Тамакининг мияга таъсири	17
Чекишнинг бошка аъзоларга таъсири	17
Тамакининг кўз ва кулоққа таъсири	18
Чекиши ва насл	18
Чекувчи аёллар ва емизикли болаларни никотин орқали заҳарланиши	19
Тамакининг ёш организимиға таъсири	19
Чекишни ташлаш учун кураш	21
Нос чекиши	26
Ичкилик- умр заволи	28
Гиёхвандлик	35
Баднафслик, ифлосликка кўнизиш	36
Хасадгўйлик	40
Ғийбат килиши	43
Дилозорлик	48
Кибр ва манманлик	50
Қадимги Хитой файласуфи Лао Цзюннинг касаллик хақида 10 та фикри	52
Зарарли одатлар тўғрисида донолар фикрлари	53